



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 21 » ноябрь

№ 739

Toshkent sh.

**Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуqlари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-куватлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларида ҳамда уларни тамомлагандан сўнг академик лицейлар, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар (кейинги ўринларда – таълим муассасалари), шунингдек, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия оладиган муддатда тўлиқ давлат таъминотида бўлиши;

таълим муассасаларида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида пул маблағлари тўланиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълим муассасаларини битириб, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун нафака тўлаш билан боғлиқ харажатлар давлат таълим муассасалари фаолиятини молиявий таъминлаш учун тегишли йилга назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади;

тўлиқ давлат таъминоти пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, транспортда юриш карточкаларидан иборат бўлади;

давлат таъминотига олинган болаларга (кейинги ўринларда – ўқувчи (талаба) улар таълим муассасасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, йўл харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида пул нафақаси (кейинги ўринларда – битирув нафақаси) берилади.

3. Қуидагилар:

Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасиининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Мехрибонлик уйи тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Болалар шаҳарчаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зинмасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 21 ноябрдаги 739сон қарорига  
1-илова

**Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларига қабул қилинган, ушбу муассасаларни тамомлаб академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумлар, шунингдек, олий таълим муассасаларига ўқишига кирган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишига қабул қилинган кундан бошлаб ўқишни тамомлагунга қадар тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

3. Ушбу Низом:

а) қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларига қабул қилинган, ушбу муассасаларни тамомлаб таълим муассасаларида, шунингдек, олий таълим муассасаларида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасиининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга;

таълим муассасаларида таълим олаётган даврида етим ва ота-онасиининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиб қолган ҳамда ҳомий тайинлашнинг имкони мавжуд бўлмаганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотига олинган болаларга (кейинги ўринларда – ўқувчи (талаба));

б) қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларида тарбияланётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга; васийлик ёки ҳомийлик белгиланган болаларга; оиласа тарбияга (патронат) олинган болаларга;

олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълим йўналиши, таълимнинг сиртқи шаклида таълим олаётган, шунингдек, магистратура мутахассислиги бўйича бакалавриат босқичини битирган йили ўқишга қабул қилинмаган талабаларга.

4. Тўлик давлат таъминоти пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзal ва бошқа буюмлар, шунингдек, транспортда юриш карточкаларидан иборат бўлади.

Ўқувчи (талаба)лар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан, 2-иловага мувофиқ кийим-бош, пойабзal ва бошқа буюмлар билан таъминланади.

Шунингдек, ўқувчи (талаба)ларга улар таълим муассасасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзal ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, йўл харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида пул нафақаси (кейинги ўринларда – битирув нафақаси) берилади, ушбу Низомнинг 8-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган ўқувчи (талаба)лар бундан мустасно.

5. Агар ўқувчи (талаба)нинг яшаш жойи у таълим олаётган таълим муассасаси жойлашган жойдан 3 километрдан ортиқ масофани ташкил этса, ўқувчилар транспортда юриш карточкалари билан таъминланади.

6. Таълим муассасасида таълим олаётган вақтида вояга етганлиги (18 ёшга тўлганлиги) муносабати билан васийлиги (ҳомийлиги), оиласа тарбияга (патронат) берилганлиги тўхтатилган ёки бекор қилинган ўқувчиларга шахсий харажатлари учун муассасани тамомлагунларига қадар ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида пул маблағлари бериб борилади.

Ушбу пул маблағи олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга тўланмайди.

7. Таълим муассасаларида таълим олаётган вақтида тўлик давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ушбу муассасаларни тамомлаб, олий таълим муассасаларига ўқишга киргандан сўнг ҳам тўлик давлат таъминотида бўлади.

Олий таълим муассасаларида ўқиётган ушбу тоифадаги талабалар ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзal ва бошқа буюмлар билан таъминланади.

8. Таълим муассасасида таълим олаётган вақтда етим бўлиб қолган, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчи (талаба)ларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомий тайинланади. Ҳомий тайинлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда муассаса жойлашган худуддаги туман (شاҳар) ҳокимининг қарори билан ушбу ўқувчи (талаба)ларга нисбатан улар таълим олаётган муассаса ўқувчи (талаба) муассасани тамомлагунга қадар ҳомий этиб тайинланади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ўқувчи (талаба)нинг тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар тоифасига киришига асос ҳисобланади.

Ушбу тоифадаги ўқувчи (талаба)ларга таълим муассасасини битираётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда – бюджет) берилиши белгиланган бир йўла тўланадиган битирув нафақаси берилмайди.

**2-боб. Ўқувчи (талаба)ларга пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар, шунингдек транспортда юриш карточкалари бериш масаласини кўриб чиқиш тартиби**

9. Таълим муассасасида ўқувчи (талаба)ларга пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар (кейинги ўринларда – ижтимоий таъминот ёрдами), шунингдек, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш юзасидан мурожаатларни ўрганиш бўйича доимий фаолият юритувчи ишчи гурух (кейинги ўринларда – ишчи гурух) тузилади.

10. Ишчи гурух таркибига муассасанинг тегишли ходимлари киритилади ва муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ишчи гурух камидаги кишидан иборат қўйидаги таркибда тузилади:  
ишчи гурух раҳбари – муассаса раҳбари;  
ишчи гурухнинг масъул котиби – муассаса раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари;  
муассаса юрисконсульти;  
муассаса бухгалтери;  
тўлиқ давлат таъминотида бўлган боланинг гурух раҳбари ёки мураббийи;  
танлов асосида бир нафар педагог;  
касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

11. Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш масаласини кўриб чиқиш тартиби ушбу Низомга З-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

12. Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш бўйича тегишли хужжатларни йиғиши ва расмийлаштириш ўқувчи (талаба)нинг гурух раҳбари ёки мураббийи (кейинги ўринларда – гурух раҳбари) томонидан амалга оширилади.

13. Ўқувчи (талаба) ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаси олиш учун муассаса раҳбарига ариза билан мурожаат қиласи.

14. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаси бериш масаласини ҳал қилиш учун гурух раҳбари томонидан ишчи гурухга ўқувчи (талаба)нинг мурожаатидан сўнг уч иш кунида қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) ўқувчи (талаба)нинг аризаси;

б) туман (шахар) ҳокимининг ўқувчи (талаба)ни давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш ёки тўлиқ давлат таъминотига олиш ҳақидаги қарори нусхаси;

в) ўқувчи (талаба)нинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ёки паспорти нусхаси;

г) ўқувчи (талаба)нинг етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи хужжатлар:

ата-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ёки суднинг ота-онани вафот этган деб топғанлиги тўғрисидаги қарори нусхаси;

ата-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси.

15. Хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн иш кунида ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

16. Тушган хужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасининг берилиши ёки рад этилиши тўғрисида ишчи гуруҳнинг қарори қабул қилинади ва таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган баённома билан расмийлаштирилади.

Ишчи гуруҳ томонидан барча хужжатлар тўлиқ, асосланган ҳолда тақдим этилганлиги аниқланганда ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш тўғрисида, аксинча тақдим этилган хужжатларда камчилик мавжудлиги, хужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда нафақа берилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ томонидан қарор нусхаси уч иш кунида ўқувчи (талаба)га етказилади.

Ўқувчи (талаба) қарор нусхасини олган кундан бошлаб бир ой давомида тегишли камчиликларни бартараф этган ҳолда нафақа олиш бўйича ишчи гурухга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

17. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасининг берилиши ёки рад этилиши тўғрисида ишчи гуруҳ қарорининг қонунийлиги ва унинг тўғри қабул қилинганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдамини беришни расмийлаштириш тартиби**

18. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдами ишчи гурухнинг қарорига мувофиқ қабул қилинган таълим муассасаси раҳбарининг буйруғига асосан берилади.

19. Муассаса бухгалтери томонидан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини бериш бўйича ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда икки нусхада сўровнома тузилади.

20. Сўровноманинг бир нусхаси уч иш кунида тегишлилиги бўйича бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг молия-иктисод бўлинмаларига (кейинги ўринларда – молия органлари) тақдим этилади.

21. Сўровнома муассасанинг биринчи босқичига қабул қилинган ўқувчи (талаба)лар учун ҳар йили 15 сентябргача, бошқа ўқувчи (талаба)ларга эса келгуси йил учун жорий йилнинг 15 декабрига қадар шакллантирилади.

Муассасада таълим олаётган даврида тўлиқ давлат таъминотига олинган ўқувчи (талаба)лар учун сўровнома у тўлиқ давлат таъминотига олингандан сўнг 15 кун ичида шакллантирилади.

22. Молия органлари томонидан сўровномага биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасанинг харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали маблағ ажратилади.

#### **4-боб. Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдамини бериш тартиби**

23. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдамини бериш нақд пул шаклида ёки уларнинг банк пластик картасига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

24. Ўқувчи (талаба)ларнинг хоҳишига кўра ижтимоий таъминот ёрдамини олиш учун тўланадиган пул маблағларининг ўрнига унга тенг микдорда кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари берилиши мумкин.

Кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ рўйхатда белгиланган ашёвий таъминот буюмлари орасидан ўзи истаган буюмларни кўрсатган ҳолда ўқувчи (талаба)нинг муассаса раҳбари номига ёзган аризасига биноан берилади.

25. Ўқувчи (талаба)га ижтимоий таъминот ёрдами шахсий имзоси кўйилган тарқатиш қайдномаси асосида берилади.

26. Айрим сабабларга кўра ўтган давр учун тўланмай қолган ижтимоий таъминот ёрдами кейинги тўловларга қўшиб тўланади.

#### **5-боб. Ўқувчи (талаба)ларни транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби**

27. Транспортда юриш карточкалари йўловчи ташиш транспортида (таксидан ташқари) юриш учун ойлик йўл чипталари жорий этилган худудларда берилади.

Агар ўқувчи (талаба) ўқийдиган туман (шахар)да ёки аҳоли пунктида бу турдаги карточка тизими бўлмаса, у ҳолда уларга жамоат транспортида юришлари учун ойлик йўл чиптаси микдоридаги пул маблағи ўқувчи (талаба)нинг банк пластик картасига пул ўтказиш орқали ёки нақд пул шаклида берилади.

28. Транспортда юриш карточкалари муассасаларнинг харажатлар сметасига ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинади.

29. Транспортда юриш карточкалари муассасалар томонидан йўловчилар ташиш транспорти хизматларини кўрсатувчи ташкилотнинг шахсий ғазна ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан харид қилинади.

30. Транспортда юриш карточкалари ўқувчи (талаба)ларга жорий ой тугашига камида икки кун қолганида тарқатилади.

Транспортда юриш карточкалари ўқиши даври учун берилади.

#### **6-боб. Ўқувчи (талаба)ларга битирув нафақасини бериш тартиби**

31. Ўқувчи (талаба)ларга битирув нафақаси бир марта, улар таълим муассасасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда ўзи таълим олган таълим муассасасидан берилади.

Давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасалари битирувчиларига битирув нафақаси улар ишга қабул қилинаётганда, ушбу муассасалардан берилади.

32. Агар ўқувчи (талаба) умумий ўрта таълим муассасасининг 11-синфини ёки муассасани битириб, олий таълим муассасасига ўқишига кирган тақдирда, унга битирув нафақаси ўзи таълим олаётган олий таълим муассасасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда ушбу олий таълим муассасаси томонидан берилади.

33. Битирув нафақаси ҳар йили 1 сентябргача битирувчининг банк пластик картасига пул ўтказиш орқали ёки нақд пул шаклида берилади.

34. Ўқувчи (талаба)ларга битирув нафақаси шахсий имзоси қўйилган тарқатиш қайдномаси асосида берилади.

35. Битирувчи ўз хоҳишига кўра битирув нафақаси ўрнига унга тенг миқдорда кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмларини олиши мумкин.

#### **7-боб. Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақасини молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи**

36. Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаси учун сарфланадиган харажатлар миқдори улар таълим олаётган муассасалар томонидан тақдим этилган сўровномаларга асосан муассасаларнинг харажатлар сметасида режалаштирилади.

38. Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини бериш учун сарфланадиган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тегишли таълим муассасасининг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

39. Муассасалар томонидан ҳар ўкув йили якунида ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисбот тайёрланади ва молия органларига тақдим этилади.

Молия органлари томонидан ушбу ҳисоботлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этилади.

40. Асоссиз равишда тўланган ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақалари белгиланган тартибда бюджетга қайтарилади.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

41. Муассасаларнинг ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини бериш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

42. Шахсий жавобгарлик:

таълим муассасаси томонидан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини асосли тайинлаш ва тўлаш тартибига риоя қилинганлиги ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги бўйича ишчи гурӯҳ раҳбарига;

ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақалари учун ажратилган маблағларнинг муассасаларга ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши бўйича молия органи раҳбарига;

таълим муассасаси томонидан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларининг ўқувчи (талаба)га ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилиши бўйича муассаса раҳбари ва бош бухгалтерга юклатилади.

43. Ушуб Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошка буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга I-илова

**Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларни озик-овқат билан таъминлаш НОРМАЛАРИ**

(бир киши ҳисобига кунига грамм (брутто)

T/p	Озик-овқат маҳсулотларининг номи	15-18 ёш
1	1-сорт буғдой нон	600
2	Буғдой уни*	35
3	Картошка крахмали*	3
4	Дуккаклилар ёрмаси, макарон маҳсулотлари*	75
5	Қанд-шакар	90
6	Қандолатчилик маҳсулотлари	25
7	Сариёғ*	30
8	Ўсимлик ёғи*	20
9	Сут ва сут маҳсулотлари	400
10	Қаймоқ	10
11	Сузма*	70
12	Пишлок*	12
13	Гўшт, парранда гўшти	200
14	Пиширилган колбаса, сосискалар*	25
15	Балиқ	35
16	Тухум (дона)	1
17	Картошка*	400
18	Сабзавотлар, ошкўклар, тузламалар, шу жумладан, томат (3 г.)	455
19	Хўл мевалар	250
20	Мева, сабзавот шарбатлари	200
21	Куруқ мевалар, шу жумладан, наъмтак (5 г.)	15
22	Чой	0,5
23	Йодланган туз	8
24	Ачитқилар*	1
25	Зираворлар*	2

\*) Бир ҳафта учун ўртача суткалик нормалар.

**Изоҳ:**

1. Айрим озик-овқат маҳсулотларини муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган маҳсулотларни асосий озик-овқат моддалари бўйича алмаштириши жадвалига мувофиқ ушибу мақсадлар учун ажратиладиган маблаглар доирасида алмаштиришига рұксат этилади.

2. Муассасалар ва ётөқхоналарда иссиқ овқат мавжуд бўлмагандан, фақат бир марталик иссиқ овқат мавжуд бўлганда, ўқувчи (талаба)ларга бир марталик овқат билан компенсация қилинмаган миқдорда (савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда) тўлиқ ёки қисман нақд пул берилади.

3. Муассасаларда бошқа шахарлардан келган етим болалар ва ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларга улар муассасага етиб келган вақтдан бошлаб ўқишига қабул қилингунгача бепул овқат берилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларни пул нафакалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга

2-илова

**Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш НОРМАЛАРИ**

Т/р	Кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Бир ўқувчи (талаба) ҳисобига			
			Ўғил болалар учун		Қиз болалар учун	
			сони	фойдаланиш муддати (йил)	сони	фойдаланиш муддати (йил)
<b>Кийим-бош</b>						
1	Қишики пальто	дона	1	3	1	3
2	Мавсумий пальто, куртка	дона	1	2	1	2
3	Ўқиши учун костюм:	дона	1	2	1	2
4	Қишики	тўплам	1	1	1	1
5	Ёзги	тўплам	1	1	1	1
6	Ўқиши учун ип газламадан тикилган оқ кўйлаклар	дона	2	2	2	2
7	Спорт формаси ва кеталар	тўплам	2	2	2	2
8	Ўғил болалар учун костюмлар	тўплам	3	2		
9	Қизлар учун кўйлаклар (юбкалар, блузкалар)	дона			3	2
10	Қизлар учун уй халатлари	дона			2	2
11	Ўғил болалар учун ип газламадан тикилган устки кўйлаклар	дона	3	1		
12	Байрамлар учун кишики костюм ёки кўйлак	дона	1	2	1	2
13	Байрамлар учун ёзги костюм ёки кўйлак	дона	1	2	1	2
14	Жун свитер (жемпер)	дона	1	2	1	2
15	Қизлар учун рейтгузалар	дона			2	1
16	Ёзги бош кийим	дона	1	1	1	1
17	Қишики бош кийим	дона	1	2	1	2
18	Дастрўмол	дона	4	1	4	1
19	Уй шимлари (жинсилар)	дона	1	1	1	1
20	Ўғил болалар учун шим камарлари	дона	1	1		
21	Ярим жун шарфлар	дона	1	3	1	3
22	Кўлқоплар (паижасиз кўлқоплар)	жуфт	1	3	1	3
23	Бюстгальтер	дона			3	1
24	Қизлар учун трико	дона			5	1
25	Калта спорт иштоналари	дона	2	1		
26	Шортилар	дона	1	1	1	1

27	Майка	дона	3	1		
28	Футболка	дона	2	1	2	1
29	Ип газлама пайпоқлар, гольфлар	жуфт	5	1	5	1
30	Тунги күйлаклар, пижамалар	та	2	1	2	1
31	Колготкалар	жуфт			5	1
32	Чўмилиш кўйлаги, плавкилар	та	1	1	1	1
<b>Пойабзal</b>						
33	Ботинкалар, туфлилар, кроссовкалар	жуфт	3	1	3	1
34	Шиппаклар	жуфт	2	1	2	1
35	Этиклар, қишки ботинкалар	жуфт	1	1	1	1
<b>Ашёвий таъминот буюмлари</b>						
36	Портфеллар, сумкалар	дона	2	3	2	3
37	Жомадон	дона	1	5	1	5
38	Чойшаблар	дона	3	2	3	2
39	Кўрпа чойшаблари	дона	2	3	2	3
40	Кичик ёстиқ жилди	дона	1	4	1	4
41	Катта ёстиқ жилди	дона	3	3	3	3
42	Сочик	дона	3	2	3	2
43	Пахмоқ сочик	дона	3	3	3	3
44	Жун ёки момикли адёл	дона	1	6	1	6
45	Пахмоқ адёл	дона	1	4	1	4
46	Тўшак	дона	1	4	1	4
47	Ёстиқ	дона	1	6	1	6
48	Тўшак қопламаси	дона	1	6	1	6
49	Каравот олдига тўшаладиган гиламча	дона	1	6	1	6
<b>Шахсий гигиена буюмлар</b>						
50	Тиш пастаси	дона	12	1	12	1
51	Тиш чўткаси	дона	3	1	3	1
52	Кир совун	дона	12	1	12	1
53	Атирсовун	дона	24	1	24	1
54	Кир ювиш порошоклари	ўрам (400 г.)	12	1	12	1
55	Соқол олиш буюмлари	дона	12	1	5	1
56	Тароқ	дона	2	1	2	1
57	Ҳожатхона қозози	ўрам	24	1	24	1
58	Шампунь	дона (200 г.)	12	1	12	1
59	Дезодорант (аэрозоль)	дона	6	1	6	1
60	Гигиена қистирмалари	ўрам (10 тадан)			12	1
61	Момик	ўрам (200 г.)			4	1
62	Пойабзal мойи	тюбик	6	1	6	1
63	Соқол олингандан кейин ишлатиладиган лосьон	флакон (100-150 г.)	6	1		
64	Баданин ювиш учун губка	дона	2	1	2	1
65	Тогора	дона	1	3	1	3

*Изоҳ: Муассасалар раҳбарларига курсатиб ўтилган таъминот нормаларига янги фасонларни ва ўқувчи (талаба)лар хоҳшини ҳисобга олган ҳолда ушбу мақсадлар учун ўқув муассасасига ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришилар киритиш хуқуқи берилади.*

Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа конуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларни пул нафакалари ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

**Ўқувчи (талаба)ларга ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битириув нафақасини бериш масаласини кўриб чиқиш тартиби**  
**СХЕМАСИ**



Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа конуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақалари учун бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисида**  
**СЎРОВНОМА**

-сон

Муассаса номи: \_\_\_\_\_

Т/р	Ўқувчи (талаба)нинг Ф.И.О.	Ижтимоий таъминот ёрдами тури (сўм)							Асос	Умумий микдори (сўм)
		Нафақа	Озик- овқат	Кийим- бош ва пойабзал	Шахсий гигиена буюмлари	Ашёвий таъминот буюмлари	Транспортда юриш карточкалари	Битирув нафақаси		

Таълим муассасаси раҳбари:

(Ф.И.О.)

(имзо)

Бош бухгалтер:

(Ф.И.О.)

(имзо)

Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

**Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини тайинлаш ва тўлаш бўйича  
ҲИСОБОТ**

**20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ чорак учун**

Муассаса номи: \_\_\_\_\_

Муассаса жойлашган туман (шахар) \_\_\_\_\_

T/p	Ижтимоий таъминот ёрдами тури	Ўлчов бирлиги	Йил бошидан
1	Ижтимоий таъминот ёрдами учун муассасага ажратилган маблаглар миқдори	сўм	
2	Қайдномага асосан берилган ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақалари миқдори	сўм	
3	Қайдномага асосан ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар сони	нафар	
4	Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини олиш юзасидан аризалар сони	нафар	
5	Кўриб чиқилган аризалар сони	нафар	
6	Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини тайинлаш тўғрисидаги қарорлар сони	дона	
7	Ижтимоий таъминот ёрдами, транспортда юриш карточкалари ҳамда битирув нафақаларини тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорлар сони	дона	

Таълим муассасаси раҳбари: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо)

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо)

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил ‘21 ” ноябрдаги 739-сон қарорига  
2-илова

## **Меҳрибонлик уйи тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Меҳрибонлик уйлари мақомини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Меҳрибонлик уйи етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун давлат тарбия муассасасидир.

3. Меҳрибонлик уйи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун хужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қиласди.

4. Куйидагилар Меҳрибонлик уйининг асосий вазифалари ҳисобланади:

етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни (кейинги ўринларда – тарбияланувчилар) тарбиялаш, камол топтириш ва қўллаб-кувватлаш;

тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштиришга ва жамиятга уйғуллаштиришга қўмаклашадиган, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, шунингдек, ижодий ва интеллектуал қобилияtlарини ривожлантириш учун уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратиш;

тарбияланувчиларнинг васийси (ҳомийси) сифатида қонуний хуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлифи, психологик ва жисмоний ривожланиши ҳимоя қилинишини таъминлаш.

### **2-боб. Меҳрибонлик уйини ташкил этиш тартиби**

5. Меҳрибонлик уйи муассиснинг қарори асосида ташкил этилади.

Меҳрибонлик уйи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг муассислигига ҳам Меҳрибонлик уйи ташкил этилиши мумкин.

6. Меҳрибонлик уйи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

7. Меҳрибонлик уйининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Мехрибонлик уйининг устави унинг муассиси томонидан тасдиқланади.

8. Мехрибонлик уйлари қўйидаги типларга бўлинади:

мактабгача ёшдаги болалар учун Мехрибонлик уйи (3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар учун);

Мехрибонлик уйи (мактабгача ва мактаб ёшидаги ёки фақат мактаб ёшидаги болалар учун);

ихтисослаштирилган коррекцион Мехрибонлик уйи (жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун).

Мехрибонлик уйи типи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

9. Мехрибонлик уйлари фаолиятини мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

10. Мехрибонлик уйи юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига шахсий ғазна ҳисобварағига эга бўлади.

### **3-боб. Мехрибонлик уйига болаларни қабул қилиш**

11. Қўйидагилар Мехрибонлик уйига қабул қилинади:

ота-оналари вафот этган болалар;

ота-оналари ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар;

ота-оналарининг ота-оналик ҳуқуқлари чекланган болалар;

ота-оналари муомалага лаёқатсиз деб топилган болалар;

узоқ муддат касал бўлганлиги учун ота-оналик вазифаларини бажара олмаган ота-оналарнинг болалари;

ота-оналари билан бирга олти ойдан ортиқ муддат яшамаган ҳамда қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари томонидан васийлик ёки ҳомийликка олиш рад қилинган болалар;

ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортган, шу жумладан, ота-оналар ўз болаларини давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасалар ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишни рад этган ҳолларда, шунингдек, болалар ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда.

12. Мехрибонлик уйига болалар З ёшдан бошлиб қабул қилинади ҳамда улар мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимни тамомлагунга қадар муассасада бўладилар.

Жисмоний ёки психик ривожланишида нүқсони бўлган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар Мехрибонлик уйига қабул қилинганидан сўнг ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига (мактаблар, мактаб-интернатлар) юборилади.

13. Мехрибонлик уйига кам таъминланган оилаларнинг болалари ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман (шахар) ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиянинг хulosасига кўра туман (шахар) ҳокимининг қарори билан вақтинчалик қабул қилинади.

Мехрибонлик уйида бўлиш муддатини яна бир йилга узайтириш тарбияланувчини дастлабки жойлаштириш жойидаги туман (шахар) ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиянинг оиланинг яаш шароити моддий аҳволи яхшиланмаганлиги ҳамда боланинг оиласа қайтиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хulosасига кўра туман (шахар) ҳокимининг қарори билан амалга оширилади.

14. Мехрибонлик уйидаги тарбияланувчилар сони Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилган ҳолда белгиланади, лекин тарбияланувчиларнинг сони 140 нафардан ошмаслиги керак.

Тарбияланувчилар сони 140 нафардан ошишига санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ, муассасанинг тарбияланувчилар билан тўлдирилиш сифимидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг розилиги асосида йўл қўйилади.

15. Мехрибонлик уи тарбияланувчилари ҳар хил ёки бир хил ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳларига бирлаштирилади. 7 ёшгacha бўлган турли ёшдаги болалар гуруҳларида тарбияланувчилар сони 10 нафар этиб белгиланади, бир хил ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳларида эса: 4 ёшгacha бўлган болалар – 8 нафар, 4 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар гуруҳида эса – 12 нафар бола бўлади; тарбияланувчилар гуруҳларидаги ўқувчилар сони I – XI синфларда – 15 нафар бўлиши лозим.

Мехрибонлик уйида ижтимоий-педагогик, тиббий-психологик қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ болалар учун ихтисослаштирилган коррекцион гуруҳлар, шу жумладан, спорт ва ҳарбий соҳага қизиқиши бўлган VII-XI синфларда ўқийдиган болалар учун ватанпарварлик-спорт йўналишидаги гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

Тарбияланувчиларни ихтисослаштирилган коррекцион гуруҳларга йўллаш фақат тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хulosasi асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган коррекцион гуруҳлардаги болалар сони жисмоний ёки психик ривожланишида нүқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-

интернатларнинг) тарбия гурухларидағи болалар сони меъёрларига мувофиқ равища белгиланади.

Ватанпарварлик-спорт йўналишидаги гурухлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг буйруғига асосан ташкил этилади.

16. Болаларни Мехрибонлик уйига йўллаш бола яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

17. Мехрибонлик уйига юбориладиган ҳар бир бола учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, бир Мехрибонлик уйидан бошқасига ўтказишда эса – Мехрибонлик уйи маъмурияти томонидан қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг болани Мехрибонлик уйига юбориш тўғрисидаги йўлланмаси;

б) туман (шаҳар) ҳокимининг болани Мехрибонлик уйига жойлаштириш ҳақидаги қарори (қарорда вояга етмаган бола, унинг оиласи, турар жой майдони болага бириктирилганлиги тўғрисидаги аниқ қайднома билан биргаликда турар жой майдони мавжудлиги тўғрисидаги далилли ва тўлиқ маълумотлар бўлиши керак);

в) тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, тугилганлик ҳақида далолатнома ёзувидан қўчирма, гувоҳнома бўлмаган тақдирда – боланинг ёшини аниқлайдиган тиббий экспертиза хулосаси;

г) анализлар натижалари ва тиббий-психологик-педагогик хулоса илова қилинган ҳолда боланинг психик ва жисмоний соғлиғи ҳақидаги тиббий хужжатлар (тиббий текширишлар натижалари илова қилинган ҳолда);

д) маълумоти ҳақидаги хужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

е) ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар (ота-оналарнинг паспортлари нусхалари ёки уларнинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суднинг ҳукми ёки қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирудва эканлиги ҳақидаги, ота-онасининг йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги хужжатлар);

ж) боланинг турмуш шароити ва тарбияси ҳақидаги текширув далолатномаси;

з) боланинг яқин қариндошлари мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

и) боланинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар бор бўлса) рўйхати, ушбу мол-мулкнинг қаерда жойлашганлиги, уни сақлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва уларни сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақидаги маълумот;

к) болага турар жой бириктирилганлиги тўғрисидаги хужжатлар (далолатнома, уй дафтари, турар жой чизмаси нусхалари, турар жойнинг эгаси

ва хусусийлаштирилганлиги ҳолати тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан маълумотнома);

л) пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги суд қарори, омонат дафтарчаси.

Болани мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ Мехрибонлик уйига жойлаштиришда юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ота-онанинг аризаси, туар жойи, кам таъминланган оила сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида рўйхатда турганлиги ҳақидаги маълумотномалар тақдим этилади.

18. Бир оиланинг аъзолари бўлган болалар ёки қариндошлар бир муассасага юборилади. Тиббий ёки бошқа сабабларга кўра ушбу болаларни алоҳида тарбиялаш ва жойлаштириш керак бўлган ҳоллар бундан мустасно.

19. Тарбияланувчиларни мактабгача Мехрибонлик уйидан мактаб ёшидаги болалар учун Мехрибонлик уйига ёки бир Мехрибонлик уйидан бошқа Мехрибонлик уйига ўтказиш 1 июндан 25 августга қадар амалга оширилади.

Тарбияланувчиларни Болалар уйларидан Мехрибонлик уйига қабул қилиш мажбурий тартибда, бола 3 ёшга тўлгандан сўнг ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-боб. Мехрибонлик уйининг тарбияланувчилари**

20. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг таълими, тарбияси ва таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

21. Мехрибонлик уий тарбияланувчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишининг ўртacha суткалик мақбул меъёrlарига мувофиқ озиқ-овқат, шунингдек, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ норма бўйича озиқ-овқат, 2-иловага мувофиқ норма бўйича кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар, 3-иловага мувофиқ норма бўйича шахсий гигиена буюмлари билан таъминланадилар.

22. Мехрибонлик уий маъмурияти тарбияланувчиларининг ушбу Мехрибонлик уйида бўлишининг биринчи йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, уй-жой майдонига эҳтиёжманд бўлган тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мехрибонлик уйларининг эҳтиёжманд тарбияланувчиларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлашлари керак.

24. Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумлар ва олий таълим муассасаларига ўқишига киришига ёрдам берилади.

25. Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумлар ва олий таълим муассасаларига ўқишига кирган тақдирда, Мехрибонлик уйи маъмурияти тарбияланувчига ҳомийлик қилишни бундан кейин мазкур таълим муассасасига бериш учун тарбияланувчи ўқишига кирган таълим муассасаси жойлашган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органини ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги васийлик бўйича комиссияни хабардор қиласди.

Мазкур муассасалар вояга етмаганинг қонуний вакили сифатида унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўрадилар ҳамда ҳомийлик вазифаларини тўлиқ бажарадилар.

26. Академик лицейларда ўқиётган тарбияланувчилар мазкур муассасада ётоқхона мавжуд бўлмаган тақдирда, Мехрибонлик уйи маъмурияти билан келишган ҳолда, улар ўқишини тамомлагунига қадар Мехрибонлик уйида яшashi мумкин.

Ушбу битирувчиларнинг яшashi ҳамда овқатланиши билан боғлиқ харажатлар Мехрибонлик уйи маблағлари ҳисобидан қопланади.

27. Мехрибонлик уйининг академик лицей, касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумлар ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган собиқ тарбияланувчилари ўзлари таълим олаётган таълим муассасалари маъмурияти билан келишган ҳолда таътил даврида, дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек, касаллик даврида яшаганлик учун ҳақ тўламасдан Мехрибонлик уйида туришлари мумкин.

Уларнинг яшashi ҳамда овқатланиши билан боғлиқ харажатлар Мехрибонлик уйи маблағлари ҳисобидан қопланади.

28. Тарбияланувчилар қонун ҳужжатларига, одоб-ахлоқ нормаларига, Мехрибонлик уйининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга, билимларни, амалий кўникмаларни, касб маҳоратини мунтазам ва пухта эгаллашга, ўзларининг умумий ва маданий савиясини ошириб боришга мажбур.

29. Мехрибонлик уйидан чиқаришда тарбияланувчиларга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

- а) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 16 ёшга тўлганлар эса паспорт;
- б) Мехрибонлик уйида бўлганлик ҳақида маълумотнома;
- в) соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);
- г) маълумоти тўғрисида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);
- д) ота-онаси ва бошқа яқин кариндошлари ҳақидаги маълумотлар.

Боланинг мол-мулкка, пул маблағларига, турар жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчалари, алиментлар ундириши тўғрисидаги ижро

варақаси ва шахсий ҳужжатлар йиғмажилдидаги бошқа ҳужжатлар ҳам берилади.

30. Тарбияланувчиларнинг Мехрибонлик уйини битириши тўғрисидаги қарор коллегиал орган – Мехрибонлик уйи Кенгаши томонидан қабул қилинадива Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

31. Тарбияланувчиларни ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан Мехрибонлик уйидан қайтариб олиш ушбу Низомнинг 29-бандига мувофиқ амалга оширилади. Боланинг ёшидан ва қайтиш ҳолатларидан қатъи назар, бола яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хulosасига мувофиқ чиқарилган туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тарбияланувчининг қайтиши учун асос ҳисобланади.

32. Мехрибонлик уйи директори тарбияланувчиларни қабул қилиш ва уларни Мехрибонлик уйидан чиқариш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

### **5-боб. Мехрибонлик уйида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиши**

33. Тарбияланувчиларни ўқитиш Мехрибонлик уйига яқин атрофда жойлашган умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Ҳар бир босқичда ўқиши ёши ва ўқишининг қанча вақт давом этиши Мехрибонлик уйи ёки тарбияланувчи ўқиётган бошқа таълим муассасасининг уставида белгиланади. Ҳар бир босқичда ўқишининг қанча вақт давом этиши тўғрисидаги хулоса Мехрибонлик уйи раҳбари иштирокида тарбияланувчи ўқиётган таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан қабул қилинади.

34. Тарбияланувчилар билим олаётган таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ва бошқа масалалари Мехрибонлик уйи педагогик жамоаси билан яқин ҳамкорликда ҳал қилинади.

35. Мехрибонлик уйидаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий ишлар таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик ва дунёвий тамойиллари асосида қурилади.

36. Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ фанларнинг асослари бўйича мунтазам билим, малака ва кўнималарни эгаллаб олишига кўмаклашади, шунингдек, миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланиши, ижодий қобилиятлар, меҳнат кўнималари, атроф муҳитга ва касб танлашга онгли муносабатда бўлишнинг ривожланиши учун шартшароитлар яратади.

Мехрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви ва касб-хунарни муваффақиятли танлаши, уларда ижтимоий ва ҳаётий кўнималарни ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув курслари ташкил этилади.

Ўкув курслари фаолиятини ташкил этиш ва уларни зарур моддий-техника воситалар билан таъминлаш муассаса маблағлари ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

37. Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг интеллектуал, ахлоқий, жисмоний ва қувноқ ривожланиши, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун энг кўп даражада қулай шарт-шароитлар яратади.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда тарбияланувчиларнинг психологияк-педагогик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тарбиянинг мақбул технологиялари, шакллари ва усуллари танланади.

38. Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган Мехрибонлик уйи, шунингдек, Мехрибонлик уйининг мактабгача ёшдаги болалар гуруҳлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун давлат таълим талаблари бўйича ишлаб чиқилган таълим-тарбия дастурига мувофиқ амалга оширади.

39. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия жараёни ривожланишидаги нуқсонларга мувофиқ таълим ва тарбиянинг маҳсус дастурлари бўйича ташкил этилади.

40. Тарбияланувчиларнинг индивидуал, таълим-ривожлантирувчи эҳтиёжларини қондириш, уларнинг истеъод ва қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, кейинчалик касбга йўналтириш учун уларнинг қизиқишлири ва мойилликларини аниқлаш, бўш вақтларини ва дам олишини ташкил қилиш мақсадида Мехрибонлик уйида ҳам муассасанинг маблағлари, ҳам бошқа маблағлар ҳисобига турли клублар, секциялар, тўгараклар, студиялар ташкил этилади.

Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари маданий-эстетик, табиий-илмий, техник, спорт ва бошқа йўналишлардаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ишларида қатнашишлари мумкин.

41. Тарбияланувчиларнинг маданий-оммавий, спорт ва меҳнат фаолиятининг турли шаклларида қатнашиши ташаббускорлик, мустақиллик ва виждонийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

42. Болага нисбатан дўстона муносабатлар муҳитини яратиш ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Мехрибонлик уйида болалар бирлашмалари ташкил қилиниши мумкин.

43. Таътил вақтида болаларнинг дам олиши Мехрибонлик уйининг шахар ташқарисидаги оромгоҳларда, дала ҳовлиларида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи Республика Мехрибонлик уйлари соғломлаштириш оромгоҳида ҳамда бошқа соғломлаштириш оромгоҳларида ташкил этилади.

44. Таълим, меҳнат, дам олиш ва турли тадбирларнинг тиббий-педагогик жиҳатдан ўзаро асосли боғлиқлигини таъминлайдиган кун тартиби

тарбияланувчиларнинг Мехрибонлик уйида кеча-кундуз бўлишларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

## **6-боб. Ижтимоий-психологик педагогик қўмаклашишни ташкил этиш**

45. Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар, педагоглар, тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ижтимоий, психологик-педагогик ёрдам бериш ҳамда тарбияланувчиларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини танлаш мақсадида ижтимоий хизмат (кейинги ўринларда – хизмат) ташкил этилади.

Хизмат таркиби Мехрибонлик уйининг ижтимоий муҳофаза бўйича директор ўринbosари, психолог, врач, дефектолог, ёшлар етакчиси раҳбари, гурух раҳбаридан иборат бўлади. Хизматга ижтимоий химоя бўйича директор ўринbosари бошчилик қиласди.

### **46. Хизмат ходимлари:**

тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, уларнинг мол-мулкини ҳимоя қиласди;

тарбияланувчилар билан диагностик, психологик-профилактик, корекцион, маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб борадилар;

Мехрибонлик уйининг тарбияланувчилари, педагоглари, маъмурияти ва бошқа ходимлари билан психологик-профилактик маслаҳат бериш, таълим (семинарлар, тренинглар) ишларини олиб борадилар;

тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб борадилар.

47. Хизматнинг ходимлари куйидаги йўналишлар бўйича иш олиб борадилар:

*а) тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши соҳасида:*

тарбияланувчининг шахсий хужжатлар йиғма жилдини ўрганиш ва унинг ижтимоий мақоми барқарорлигини аниқлаш;

тарбияланувчиларнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

даъво бўйича иш олиб бориш ва етишмаётган хужжатларни тўплаш;

қонун хужжатларида назарда тутилган тарбияланувчилар ва уларнинг мол-мулкига нисбатан қонун бузилишига йўл қўяётган шахслар жавобгарликка тортилишига қўмаклашиш;

ота-оналарни аниқлаш ва улар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

тарбияланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб суд мажлисларида қатнашиш;

ижтимоий билимлар, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қўнималарини шакллантириш бўйича тарбияланувчилар орасида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш;

б) боланинг Мехрибонлик уйида яшашга мослашии учун зарур бўлган имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг хулқ-авторидаги чекинишлар профилактикаси соҳасида:

ижтимоий ривожланиш ва (ёки) реабилитация қилишга эҳтиёжманд бўлган тарбияланувчилар тоифасини аниқлаш;

камол топишнинг тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик муаммолари ташхиси;

тарбияланувчини камол топтириш ва реабилитация қилишнинг шахсий дастурини тузиш;

шахснинг камол топиши ва унинг жамиятга реабилитациясининг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари яратилишига кўмаклашиш (педагог ходимлар, тенгдошлар гурухлари, дўстлар билан иш олиб бориш);

тарбияланувчиларни касбга йўллаш;

тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

тарбияланувчиларда ўз тақдири учун масъулият туйғусини шакллантириш;

в) тарбияланувчиларни оиласига ўтказиши соҳасида:

тарбияланувчини мустақил ҳаётга тайёрлаш;

ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни тарбияланувчини оиласига қабул қилишга тайёрлаш;

тарбияланувчини ўз оиласига қайтаришга тайёрлаш ва қайтариш;

тарбияланувчини фарзандликка олган оиласига тайёрлаш.

Бундан ташқари, хизмат васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига асосан тарбияланувчини оиласига фарзандликка ёки тарбияга (патронат) олувчи номзодларни танлаш юзасидан қуидагиларни амалга оширади:

номзодлар билан сұхбатлашиш;

тарбияланувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан номзодларни таништириш;

номзодлар учун тарбияланувчиларнинг кузатувини ташкил этиши;

номзодларга тарбияланувчини оиласига фарзандиликка ёки тарбияга (патронат) олиш юзасидан тавсия бериш.

48. Тарбияланувчи Мехрибонлик уйи ҳаётига тўлақонли киришиб кетишини ва кейинчалик унинг жамиятга ижтимоий мослашишини таъминлаш учун ижтимоий ходим, психолог, педагог-тарбиячи ва врач томонидан биргаликда тарбияланувчи билан шахсий коррекцион-тарбия ишларини олиб бориш дастури ишлаб чиқилади.

## 7-боб. Мехрибонлик уйи ходимлари

49. Педагог ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишга қабул қилинади.

50. Мехрибонлик уйининг тиббиёт ходимлари тарбияланувчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилиши, уларнинг ўз вақтида

ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалариға йўналтирилиши, тарбияланувчиларнинг реабилитация тадбирлари жалб этилиши, Мехрибонлик уйида санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ташкил қилиниши, тарбияланувчиларнинг сифатли овқатлантирилиши амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши учун жавоб берадилар.

Мехрибонлик уйида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари таҳлили тегишли соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

51. Мехрибонлик уйида таълим-тарбия жараёнини психологик таъминлашни психолог амалга ошириади.

52. Мехрибонлик уий тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий кузатиб бориш ижтимоий соҳа органи ходими томонидан амалга оширилади.

53. Мехрибонлик уий маъмурияти педагог, тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимларининг педагогик, касбий ва психологик маҳорати доимий равишда такомиллаштириб борилиши, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун жавоб беради.

54. Мехрибонлик уйининг педагог ва тиббиёт ходимлари малакасини ошириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

55. Мехрибонлик уйининг педагог ва тиббиёт ҳамда бошқа ходимлари Мехрибонлик уйининг уставига, ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши, касбий ахлоқ-одобга қатъий риоя этиши, таълим-тарбия жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаши, тарбияланувчиларни ижтимоий-психологик ва тиббий жиҳатдан кузатиб бориши, ўз касбий малакасини мунтазам ошириши шарт.

56. Мехрибонлик уий ходимларининг лавозим бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, раҳбарларининг лаёқати ва функциялари қонун хужжатларида, шунингдек, Мехрибонлик уий уставида белгиланади.

## **8-боб. Мехрибонлик уйини бошқариш**

57. Мехрибонлик уйини бошқариш демократия, ошкоралик принциплари асосида ва Мехрибонлик уий жамоаси билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

Мехрибонлик уий Кенгаши таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга қўмаклашади.

Мехрибонлик уий Кенгашининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Намунавий уставдан келиб чиқиб, Мехрибонлик уий уставида белгиланади.

58. Мехрибонлик уий Кенгаши фаолият йўналиши бўйича методик бирлашмаларга бирлашади.

59. Мехрибонлик уйида жамоанинг умумий йиғилиши (конференция), педагогик кенгаши фаолият кўрсатиши мумкин.

60. Мехрибонлик уйига бевосита раҳбарлик қилиш муассаса маъмуриятига бошчилик қиласидаган ҳамда мазкур Низомга ва Мехрибонлик уйи уставига мувофиқ фаолият кўрсатадиган директор томонидан амалга оширилади.

Мехрибонлик уйи директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Мехрибонлик уйи директори лавозимига қўйиладиган малака талаблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Директор Мехрибонлик уйидаги таълим-тарбия жараёнларининг ҳолати ва фаолияти учун тўлиқ жавоб беради.

61. Директор Мехрибонлик уйи номидан иш олиб боради, унинг манфаатларини ифодалайди, Мехрибонлик уйининг мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқаради ва шартномалар тузади.

Директор:

Мехрибонлик уйи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарор қабул қиласиди ҳамда Мехрибонлик уйига юклangan вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Мехрибонлик уйининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган бўйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

тегишли халқ таълими органларига моддий-техник базани мустаҳкамлашга, тарбия ва таълим ишларини такомиллаштиришга, малакали педагог кадрлар билан таъминлашга йўналтирилган масалаларни ҳал этиш ҳамда Мехрибонлик уйи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

педагог ходимлар ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

62. Ҳар бир Мехрибонлик уйида Ҳомийлик кенгаси тузилади. Мехрибонлик уйи фаолиятини жамоатчилик асосида самарали бошқаришини таъминлаш, уни моддий-техник жиҳозлашга, хўжалик фаолиятига, таълим-тарбия жараёнини методик ва кадрлар билан таъминлашга, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга тааллуқли муҳим вазифаларга кўмаклашиш ва уларни ҳал этиш Ҳомийлик кенгашининг мақсади ҳисобланади.

Ҳомийлик кенгаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Намунавий низом асосида амалга оширади.

## **9-боб. Молия-хўжалик фаолияти**

63. Мехрибонлик уйининг моддий-техник базаси зарур бино, спорт иншоотлари, коммуникациялар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ва ўқитишда, тарбиялашда ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги бошқа вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган бошқа мол-мулқдан иборат бўлади.

Мехрибонлик уйи бинолари техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

64. Мехрибонлик уйини маблағ билан таъминлаш белгиланган тартибда:  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

65. Мехрибонлик уйи тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

66. Бюджет маблағларини сарфлаш тасдиқланган харажатлар сметасига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Мехрибонлик уйи ҳомийлик орқали олинган маблағлардан педагогик кенгаш қарорига асосан мустақил равишда фойдаланиш ҳукуқига эга.

67. Йил давомида фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди, ушбу маблағлар қонун хужжатларига мувофиқ Мехрибонлик уйининг эҳтиёжларига сарфланади.

68. Штатлар жадвали қонун хужжатларида белгиланган тартибда намунавий штатларга мувофиқ тузилади.

69. Мехрибонлик уйи ходимларининг иш ҳақи қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

70. Мехрибонлик уйи давлат ваколатли органлари томонидан белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

71. Мехрибонлик уйининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

## **10-боб. Якунловчи қоидалар**

72. Мехрибонлик уйи қонун хужжатларига мувофиқ ўз йўналиши бўйича халқаро фаолиятни амалга ошириш ҳукуқига эга.

73. Мехрибонлик уйини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мехрибонлик уйи түғрисида низомга  
1-илова

**Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини кийим-бош, пойабзal  
ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш  
НОРМАЛАРИ**

Т/р	Кийим-бош, пойабзal ва юмшоқ жиҳозлар номи	Үлчов бирлиги	Мактаб ёшидаги бир нафар тарбияланувчи учун			Мактабгача ёшдаги бир нафар тарбияланувчи учун	
			Сони		Фойдаланиш муддати (йил)	Сони	Фойдаланиш муддати (йил)
			Ўғил болалар учун	Қиз болалар учун			
<b>Кийим-бошлар</b>							
1	Қишки пальто/куртка	та	1	1	2	1	2
2	Мавсумий пальто, куртка	та	1	1	2	1	2
3	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1	-	-
4	Ўғил болалар учун костюмлар (галстук билан)	тўплам	2	-	2	2	2
5	Жун костюм (байрам учун)	тўплам	1	-	2	1	2
6	Ўғил болалар учун ип газламадан мактаб кўйлаклари	та	3	-	1	-	-
7	Ўғил болалар учун ип газламадан устки кўйлак	та	3	-	1	3	1
8	Қизлар учун кўйлак (юбка, блузка)	та	-	3	1	3	1
9	Қизлар учун уй халатлари/кўйлаклари	та	-	2	1	2	1
10	Қишки кўйлак (байрам учун)	та	-	1	1	1	1
11	Жун свитерлар (жемперлар)	та	2	2	2	2	2
12	Ёзги кўйлаклар (байрам учун)	та	-	3	1	3	1
13	Ёзги бош кийим	та	1	1	1	1	1
14	Қишки бош кийим	та	2	2	1	2	1
15	Қизлар учун трико ва шим	та	-	4	1	4	1
16	Дастрўмоллар	та	6	6	1	6	1
17	Ўғил болалар учун шим камари	та	1	-	1	-	-
18	Шарф	та	1	1	2	1	2
19	Қўлқоилар	жуфт	2	2	1	2	1
20	Ички кўйлак (пижама)	тўплам	4	4	2	5	2
21	Спорт формаси, кроссовка	тўплам	1	1	1	1	1
22	Бюстгалтер	та	-	3	1	-	-
23	Калта спорт иштони	та	2	2	1	1	1
24	Майкалар	та	4	4	1	4	1
25	Ип пайпоклар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
26	Жун пайпоклар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
27	Ботинкалар, туфлилар	жуфт	3	3	1	3	1
28	Шиппаклар	жуфт	2	2	1	2	1
29	Қишки этиклар, ботинкалар	жуфт	1	1	1	1	1
30	Калишлар	жуфт	1	1	1	1	1
31	Ярим жун спорт костюми	та	1	1	1	1	1

T/p	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар номи	Ўлчов бирлиги	Мактаб ёшидаги бир нафар тарбияланувчи учун			Мактабгача ёшдаги бир нафар тарбияланувчи учун	
			Сони		Фойдаланиш муддати (йил)	Сони	Фойдаланиш муддати (йил)
			Ўғил болалар учун	Қиз болалар учун			
32	Тунги пижамалар	та	2	1	1	2	1
33	Колготкалар	та	-	5	1	6	1
34	Чўмилиш кийимлари	та	1	1	1	1	1
35	Резина шапка	та	1	1	2	1	1
36	Иш кийими	тўплам	1	1	2	1	1
37	Портфеллар, сумкалар	та	1	1	1	-	-
38	Шахсий буюмларни сақлаш учун рюкзак/сумка	та	1	1	3	1	5
<b>Юмшоқ жиҳозлар</b>							
39	Чойшаб	та	3	1	5	1	
40	Кўрпа чойшаби	та	2	1	2	1	
41	Ёстиқ жилди	та	3	1	4	1	
42	Сочик	та	2	1	2	1	
43	Пахмоқ сочик	та	2	1	2	1	
44	Жун ёки пахтали адёл	та	1	6	1	6	
45	Пахмоқ адёл	та	1	3	2	3	
46	Тўшак	та	1	4	2	3	
47	Момикли ва патли ёстиқ	та	1	6	2	4	
48	Катта чойшаб	та	1	3	1	3	
49	Каравот ёнига тўшаладиган гиламча	та	1	4	1	4	

Мехрибонлик уйи түгрисида низомга  
2-илова

**Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини шахсий гигиена буюмлари  
билин ыйиллик таъминлаш  
НОРМАЛАРИ**

Т/р	Буюмларнинг номи	Ўлчов бирлиги	3-7 ёшли болалар учун (сони)		8-13 ёшли болалар учун (сони)		14-16 ёшли болалар учун (сони)	
			ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
1	Атир совун (100 гр)	дона	24	24	24	24	24	24
2	Хўжалик (кир) совуни (100 гр)	дона	12	12	12	12	12	12
3	Шампунь (200 гр)	дона	12	12	12	12	12	12
4	Тиш пастаси (30 гр)	тюбик	12	12	12	12	12	12
5	Тиш чўткаси	дона	3	3	3	3	3	3
6	Тароқ	дона	2	2	2	2	2	2
7	Баданни ювиш учун губка	дона	2	2	2	2	2	2
7	Пойабзал мойи	тюбик	2	2	2	2	2	2
8	Ҳожатхона қофози	ўрам	24	24	24	24	24	24
9	Қиз болалар учун шахсий гигиена воситаси (қистирма)	тўплам (10 дона)	-	-	-	12	-	12
10	Кир ювиш кукуни (400 гр)	упаковка	8	8	8	8	12	12
11	Тоғора (пластмасса) (сигими 10 л) (фойдаланиш муддати 3 ийл)	дона	1	1	1	1	1	1
12	Соқол олиш буюми (бритва), бир марталик	дона	-	-	-	-	12	5
13	Соқол олиш воситаси (соқол олиш кўпиги, лосьон) (100 — 150 гр)	флакон	-	-	-	-	6	-
14	Дезодорант (аэрозоль)	дона	-	-	-	-	6	6
15	Момик (пахта) (200 гр)	тўплам	-	4	-	4	-	4

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “21” ноябрдаги 739сон қарорига  
3-илова

## Болалар шаҳарчаси тўғрисидаги НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчаси мақомини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини, уларда таълим-тарбия жараёнини, ушбу муассасалар ходимларининг ҳамда бундай муассасаларга тарбиялаш учун берилган болаларнинг (кейинги ўринларда – тарбияланувчилар) ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Болалар шаҳарчасини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Болалар шаҳарчаси тарбия муассасаси ҳисобланади, унинг доирасида ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар кичик гуруҳлар шаклида оиласидаги яқинлаштирилган шароитларда тарбияланади.

Болалар шаҳарчалари ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун тарбия муассасаларининг янада мукаммаллашган турлари сифатида, шу жумладан, “Мехрибонлик” уйларини болалар шаҳарчаларига босқичма-босқич айлантириш шартларида ташкил этилади.

3. Болалар шаҳарчаси ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларнинг яшашга ва оиласида тарбиялашга бўлган ҳукуқларини рўёбга чиқариш, шунингдек, ижтимоий мослашиш ва жамиятга интеграциялаш учун уларнинг маънавий-ахлоқий, меҳнат тарбияси ва таълим олишини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

4. Куйидагилар Болалар шаҳарчасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тарбияланувчиларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи оилавий мухитни яратиш;

тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилишни ва соғлигини мустаҳкамлашни таъминлаш, шунингдек, профилактика тадбирларини амалга ошириш;

тарбияланувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни, психологик ва тиббий-педагогик реабилитация қилишни ва уларни жамиятга мослаштиришни таъминлаш;

болаларни миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уларга касб танлаши учун шарт-шароитлар яратиш.

5. Болалар шаҳарчаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига амал қиласди.

6. Болалар шаҳарчаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси давлат герби туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий газна ҳисобварағига эга бўлади.

Давлат болалар шаҳарчаси билан бир қаторда нодавлат болалар шаҳарчалари ташкил этилиши мумкин.

## **2-боб. Болалар шаҳарчасини ташкил этиш тартиби**

7. Болалар шаҳарчаси муассиснинг қарори асосида ташкил этиласди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат Болалар шаҳарчасининг муассиси бўлиши мумкин.

Нодавлат ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар нодавлат Болалар шаҳарчасининг муассиси бўлиши мумкин.

Нодавлат Болалар шаҳарчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ташкил этиласди.

Нодавлат Болалар шаҳарчасини ташкил этишда муассис томонидан уни камида 3 йил мобайнида ўз вақтида ва тўлиқ молиялаптиришнинг аниқ манбалари кафолатлари ва тасдиқномаси тақдим этиласди.

8. Болалар шаҳарчаси устав асосида фаолият кўрсатади. Болалар шаҳарчасининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Болалар шаҳарчасининг устави унинг муассиси томонидан тасдиқланади. Нодавлат Болалар шаҳарчаси устави уларнинг худудий жойлашишига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан келишган ҳолда тасдиқланади.

9. Болалар шаҳарчаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

### **3-боб. Тарбияланувчиларни Болалар шаҳарчасига қабул қилиш тартиби**

10. Ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларни Болалар шаҳарчаси оиласига бериш қонун хужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Болалар шаҳарчасига ота-онасининг қаровисиз қолган янгидан аниқланган болалар ҳам, ихтисослаштирилган болалар таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ҳам юборилади.

11. Болалар шаҳарчасига қуидагилар қабул қилинади:

- ота-оналари вафот этган болалар;
- ота-оналари ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар;
- ота-оналарининг ота-оналик ҳуқуқлари чекланган болалар;
- ота-оналари муомалага лаёқатсиз деб топилган болалар;
- узоқ муддат касал бўлганлиги учун ота-оналик вазифаларини бажара олмаган шахсларнинг болалари;
- ота-оналари билан бирга олти ойдан ортиқ муддат яшамаган ҳамда қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари томонидан васийлик ёки ҳомийликка олиш рад қилинган болалар;

ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортган, шу жумладан, ота-оналар ўз болаларини давлат тарбия, даволаш-согломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасалар ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этган ҳолларда, шунингдек, болалар ота-оналар қарамогидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда.

12. Болаларни Болалар шаҳарчасига йўллаш бола яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

13. Болалар шаҳарчасига юбориладиган ҳар бир бола учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, бир Болалар шаҳарчасидан бошқасига ўтказишда эса – Болалар шаҳарчаси маъмурияти томонидан қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг болани Болалар шаҳарчасига юбориш тўғрисидаги йўлланмаси;

б) туман (шаҳар) ҳокимининг болани Болалар шаҳарчасига жойлаштириш хақидаги қарори (қарорда вояга етмаган бола, унинг оиласи, турар жой майдони болага бириктирилганлиги тўғрисидаги аниқ қайднома билан биргаликда турар жой майдони мавжудлиги тўғрисидаги далилли ва тўлиқ маълумотлар бўлиши керак);

в) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, туғилганлик хақида далолатнома ёзувидан кўчирма, гувоҳнома бўлмаган тақдирда – боланинг ёшини аниқлайдиган тиббий экспертиза хulosаси;

г) соғлиғи тұғрисидаги тиббий маълумотнома ва боланинг ривожланиш тарихи (112/х-шакли)дан күчирма;

д) маълумоти тұғрисидаги ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

е) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар (ота-оналарнинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, ота-оналиқ ҳуқуқлари чекланганлиги, ота-оналар муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганлиги тұғрисида суднинг хукми ёки қарори нусхаси, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирудан әкандылығы ҳақидаги, ота-онасининг йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги ҳужжатлар);

ж) боланинг яқин қариндошлари мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

з) боланинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар бор бўлса) рўйхати, ушбу мол-мулкнинг қаерда жойлашганлиги, уни сақлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва уларни сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақидаги маълумот;

и) болага турар жой бириктирилганлиги тұғрисидаги ҳужжатлар (далолатнома, уй дафтари, турар жой чизмаси нусхалари, турар жойнинг эгаси ва хусусийлаштирилганлиги ҳолати тұғрисида кадастр агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларидан маълумотнома);

к) нафақа, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса).

14. Болаларни Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун беришда васийлик ва ҳомийлик органлари болаларнинг манфаатларини ҳисобга олиши керак. Ўн ёшга тўлган болалар Болалар шаҳарчаси оиласига фақат уларнинг розилиги билан берилиши мумкин.

15. Тарбияланувчиларни Болалар уйларидан Болалар шаҳарчасига қабул қилиш мажбурий тартибда, бола З ёшга тўлгандан сўнг ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ амалга оширилади.

16. Болалар шаҳарчасидан чиқаришда тарбияланувчиларга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

а) туғилганлик тұғрисидаги гувоҳнома,

16 ёшга тўлганларга эса паспорт ҳам;

б) Болалар шаҳарчасида бўлганлик ҳақида маълумотнома;

в) соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);

г) маълумоти тұғрисида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

д) ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар.

Боланинг мол-мулкка, пул маблағларига, турар жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчалари, алиментлар ундириш тұғрисидаги ижро варакаси ва шахсий ҳужжатлар йиғма жилдидаги бошқа ҳужжатлар ҳам берилади.

17. Тарбияланувчиларнинг Болалар шаҳарчаларини битириши тұғрисидаги қарор коллегиал орган – Болалар шаҳарчаси Кенгаши томонидан

қабул қилинади ва ушбу қарор тарбияланувчини муассасадан чиқаришга асос ҳисобланади.

18. Болалар шаҳарчаси директори тарбияланувчиларни қабул қилиши ва уларни Болалар шаҳарчасидан чиқариш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

19. Васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун танлашда уларга мерос, ҳадя тартибида ёки бошқа қонуний асосларда ўтган мол-мулк мавжудлигини аниқлаши ҳамда болаларнинг мулкий хукуқлари муҳофаза қилиниши ва ушбу мол-мулк сақланиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришлари шарт (қонун бўйича болалар мерос қилиб олиши керак бўлган мол-мулкни аниқлаш, сақлаш ва бошқариш, мол-мулкни ноқонуний эгаллаб олган шахслардан уни талаб қилиш, қарздорлардан пул ва бошқа маблағларни ундириш ҳамда ҳоказолар).

20. Агар Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун берилган болаларда бошқа жойда турган мол-мулк мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу мол-мулкни муҳофаза қилиш мол-мулк турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади ва зарурият бўлганда улар томонидан мол-мулкка васий тайинланиши мумкин.

#### **4-боб. Болалар шаҳарчаларида тарбия жараёнини ташкил этиш**

21. Болалар шаҳарчасида тарбия жараёни оиласи тарбиячи кўра ташкил этилади. Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун берилган болалар тарбиячи бошчилигига гуруҳларга бўлинади, гуруҳлар оиласи деб аталади. Ҳар қайси оиласа турли ёшдаги 6 нафардан 8 нафаргача болалар тарбияланади.

22. Болалар шаҳарчасининг ҳар қайси оиласи алоҳида уйларга ёки алоҳида туарар жойларга (квартиralарга) жойлаштирилади.

23. Болалар шаҳарчасида камида 6 та оила ташкил этилади. Тарбияланувчи болаларнинг умумий сони 140 нафардан ошмаслиги керак.

Тарбияланувчилар сони 140 нафардан ошишига санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ, муассасанинг тарбияланувчилар билан тўлдирилиш сифимидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг розилиги асосида йўл қўйилади.

24. Болалар шаҳарчасига болалар 3 ёшдан бошлаб қабул қилинади ҳамда улар мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимни тамомлагунга қадар муассасада бўладилар.

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар Болалар шаҳарчасига қабул қилинганидан сўнг ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларига (мактаблар, мактаб-интернатлар) юборилади.

25. Тарбиячилар болаларни тарбиялаш усулларини белгилашда васийлик ва ҳомийлик органининг тавсияномаларига амал қиласидилар.

26. Тарбиячи тарбияланувчининг таълим муассасасини ва ўқитиш шаклини танлашда болаларнинг хоҳишларини ҳисобга олиши ва болаларнинг умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

27. Тарбиячилар ўз ваколатларини амалга оширишда болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, уларнинг ахлоқий ривожланишига зарар етказишга ҳақли эмас. Тарбиялаш усуллари болаларнинг қадр-қимматини таҳқирловчи менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик муносабатларидан холи бўлиши керак.

28. Болалар шаҳарчасида тарбияланувчилар, педагоглар, тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ижтимоий, психологик-педагогик ёрдам бериш ҳамда тарбияланувчиларни жойлаштиришининг муқобил шаклларини танлаш мақсадида ижтимоий хизмат (кейинги ўринларда – хизмат) ташкил этилади.

Хизмат таркиби Болалар шаҳарчасининг ўкув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ижтимоий ходим, психолог, врач, гурух раҳбаридан иборат бўлади. Хизматга ижтимоий ходим бошчилик қиласади.

29. Хизматнинг ходимлари қўйидаги йўналишлар бўйича иш олиб борадилар:

а) тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида:

тарбияланувчининг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдини ўрганиш ва унинг ижтимоий мақоми барқарорлигини аниқлаш;

тарбияланувчиларнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

даъво бўйича иш олиб бориш ва етишмаётган ҳужжатларни тўплаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарбияланувчилар ва уларнинг мол-мулкига нисбатан қонун бузилишига йўл қўяётган шахслар жавобгарликка тортилишига кўмаклашиш;

ота-оналарни аниқлаш ва улар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

тарбияланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб суд мажлисларида қатнашиш;

ижтимоий билимлар, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича тарбияланувчилар орасида таълим-тарбия ишларини ташкил этиши.

б) боланинг Болалар шаҳарчасида яшашга мослашиш учун зарур бўлган имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг хулқ-атворидаги чекинишлар профилактикаси соҳасида:

ижтимоий ривожланиш ва (ёки) реабилитация қилишга эҳтиёжманд бўлган тарбияланувчилар тоифасини аниқлаш;

камол топишнинг тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик муаммолари ташхиси;

тарбияланувчини камол топтириш ва реабилитация қилишининг шахсий дастурини тузиш;

шахснинг камол топиши ва унинг жамиятга реабилитациясининг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари яратилишига кўмаклашиш (педагог ходимлар, тенгдошлар гурухлари, дўстлар билан иш олиб бориш);

тарбияланувчиларни касбга йўллаш;

тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

тарбияланувчиларда ўз тақдири учун масъулият туйғусини шакллантириш.

в) тарбияланувчиларни оиласига ўтказиш соҳасида:

тарбияланувчини мустақил ҳаётга тайёрлаш;

ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни тарбияланувчини оиласига қабул қилишга тайёрлаш;

тарбияланувчини ўз оиласига қайтаришга тайёрлаш ва қайтариш;

тарбияланувчини фарзандликка олган оиласига тайёрлаш.

Бундан ташқари, хизмат васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига асосан тарбияланувчини оиласига фарзандиликка ёки тарбияга (патронат) оловчи номзодларни танлаш юзасидан қуидагиларни амалга оширади:

номзодлар билан сұхбатлашиш;

тарбияланувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан номзодларни таништириш;

номзодлар учун тарбияланувчиларнинг кузатувини ташкил этиш;

номзодларга тарбияланувчини оиласига фарзандиликка ёки тарбияга (патронат) олиш юзасидан тавсия бериш.

30. Болалар шаҳарчаси ходимлари тарбияланувчиларнинг ака-укалари ва опа-сингилларини, бошқа қариндошларини қидириб топишга ҳамда уларнинг муносабатларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишлари шарт, тарбияланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Низоли ҳолларда тарбияланувчи билан унинг ота-оналари, қариндошлари ўртасидаги муносабатлар тартиби васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланади.

31. Болалар шаҳарчасининг раҳбарлари ва педагог ходимлари тарбияланувчиларни оиласига жойлаштириш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

32. Болаларни оиласига беришда Болалар шаҳарчаси маъмурияти, биринчи навбатда, болаларнинг манфаатларига амал қилиши, уларнинг этник жиҳатдан келиб чиқишини, муайян динга ва маданиятга мансублигини ҳисобга олиши, она тилида муомала қилиши учун шарт-шароитлар яратиши, тарбиялари ва таълим беришда изчилликни таъминлаши керак.

Ака-укалар ва опа-сингиллар битта оиласига берилиши керак, тиббий ёхуд бошқа сабабларга кўра улар биргаликда тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно. Болаларнинг биргаликда тарбияланишига монелик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

33. Тарбиялаш учун Болалар шаҳарчасига берилиши мумкин бўлган болалар сони ва уларни бериш навбати Болалар шаҳарчаси оиласининг маъмурияти, педагог-психологи ва тарбиячиси билан биргаликда белгиланади.

Тарбиячилар тарбияланувчиларни танлаш мақсадида давлат Болалар шаҳарчаси маъмуриятининг ёзма рухсатномаси бўйича Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини дам олиш, байрам ва таътил кунлари таклиф қилишлари мумкин. Мехрибонлик уйлари маъмурияти тарбиячиларни ушбу тарбияланувчиларнинг шахсий хужжатлари йиғма жилдлари билан таништириши шарт.

34. Болалар шаҳарчаси тарбиячилари Болалар шаҳарчаси оиласидан билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида биркитилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлайдилар.

35. Болалар шаҳарчаси маъмурияти тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан учрашувига ва уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари тикланган тақдирда, улар билан бирлашишига ҳамда боланинг манфаатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда қаршилик кўрсатмаслиги керак.

36. Тарбияланувчиларни ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан Болалар шаҳарчасидан қайтариб олиш ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади. Боланинг ёшидан ва қайтариб олиш сабабларидан қатъи назар, бола яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хulosасига мувофиқ чиқарилган ҳокимнинг қарори тарбияланувчининг муассасадан чиқарилиши учун асос ҳисобланади.

## **5-боб. Тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

37. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари қонун ҳужжатларига ва Болалар шаҳарчаси уставига мувофиқ ҳуқуқларга эга ва мажбуриятларни олади.

38. Тарбияланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари Болалар шаҳарчаси маъмурияти, васийлик ва ҳомийлик органи, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органлар томонидан ҳимоя қилинади.

39. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси Болалар шаҳарчаси маъмурияти, шунингдек, тарбиячи томонидан суиистеъмолликлар содир этилишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

40. Тарбияланувчи Болалар шаҳарчасида бўлган бутун даврда мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек, бошқа қонуний асосларга кўра ота-оналар, қариндошлар ёки бошқа шахслардан унга ўтган мол-мулкка, тураг жойга мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Тураг жой тарбияланувчи Болалар уйида бўлган бутун давр мобайнида унда сақланиб қолади.

41. Тарбияланувчи унга берилиши керак бўлган алиментлар, ижтимоий нафақалар, пенсияга бўлган ҳуқуқни (бокувчисини йўқотганда, ногирон бўлиб қолганда) ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади.

Болалар уйидаги тарбияланувчининг таъминоти учун ота-онадан ундириладиган маблағлар, унга тайинланган нафақа ва бошқа тўловлар тарбияланувчининг номига очилган банк ҳисобрақамларига ўтказилиши керак.

42. Тарбияланувчи ўзига тегишли бўлган уй-жой ижарага берилишидан олинган даромадларга, ижодий, касбий, меҳнат фаолиятидан ва бошқа фаолиятдан олинган даромадларга ҳукуқни сақлаб қолади. Битимлардан олинган даромадлар маъмурият томонидан фақат тарбияланувчининг манфаатларини кўзлаб ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан сарфланиши мумкин.

43. Тарбияланувчи оиласа қайтганда (фарзандликка олинганда) ёки Болалар шаҳарчасидан тарбиялаб чиқарилгандан кейин тарбияланувчининг мол-мулки ва ҳужжатлари нотариал тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича ота-онасига ёки тарбияланувчининг ўзига берилади.

44. Тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш Болалар шаҳарчаси врачи, шунингдек, Болалар шаҳарчаси жойлашган жойдаги даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади.

Болалар шаҳарчаси маъмурияти тиббиёт ходими учун алоҳида хона ва тиббий асбоб-ускуналар ажратади.

45. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасаларида умумий асосларда тарбияланади ва ўқитилиди, бунда болалар давлат мактабгача тарбия муассасаларида бўлган вақт учун тўлов ундирилмайди.

46. Болалар шаҳарчасида тарбияланувчилар учун қўшимча таълим (тўгараклар, студиялар, спорт секциялари ва ҳоказолар) ташкил этилади.

Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари давлатга қарашли мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиганлиги учун тўлов ундирилмайди.

47. Таътил вақтида болаларнинг дам олиши Болалар шаҳарчасига қарайдиган шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда, дала ҳовлиларда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи республика Мехрибонлик уйлари согломлаштириш оромгоҳида ҳамда бошқа согломлаштириш оромгоҳларида ташкил этилади.

48. Ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар мавжуд бўлган мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар билан психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан болаларнинг ривожланишида аниқланган нуқсонларга мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни психофизик ривожланиш хусусиятларига эга бўлган тарбиялаш ва ўқитиш дастурлари бўйича таълим ташкил этилиши мумкин.

49. Болалар шаҳарчаси маъмурияти тарбияланувчиларнинг академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришига ёрдам беради.

50. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилариға академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ва олий таълим муассасалариға ўқишига кириш учун йўлланма беришда қонун ҳужжатлариға мувофиқ йўл ҳақи ва йўлдаги вақтда овқатланиш харажатлари тўланади.

51. Академик лицейда ўқиётган тарбияланувчилар мазкур муассасада ётоқхона мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу муассасаларни тамомлагунига қадар Болалар шаҳарчасида яшайди.

Тарбияланувчилар Болалар шаҳарчаси маъмурияти билан келишув асосида, академик лицейни тамомлагунга қадар, агар мазкур таълим муассасасида ётоқхона бўйлмаса ёки мазкур таълим муассасаси ва Болалар шаҳарчаси битта аҳоли пунктида жойлашган бўлса, Болалар шаҳарчасида яшаш ҳукуқига эгадирлар.

Ушбу битиравчиларнинг яшаши ҳамда овқатланиши билан боғлиқ ҳаражатлар Болалар шаҳарчаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

52. Болалар шаҳарчасининг академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ва олий таълим муассасасида таълим олаётган собиқ тарбияланувчилари ўзлари таълим олаётган таълим муассасалари маъмурияти билан келишган ҳолда таътил даврида, дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек касаллик даврида яшаганлик учун ҳақ тўламасдан Болалар шаҳарчасида туришлари мумкин. Вақтинча яшайдиган ўқувчилар ва талабалар Болалар шаҳарчаси учун белгиланган нормалар бўйича ҳақ тўлаш шарти билан овқат билан таъминланадилар.

53. Васийлик ва ҳомийлик органлари тарбияланувчиларнинг фаровонлиги, соглиги (соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда) ва камол топиши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлариға риоя қилиниши устидан ойлик назоратни амалга оширадилар.

## **6-боб. Болалар шаҳарчасини бошқариш**

54. Болалар шаҳарчасига бевосита раҳбарлик муассаса маъмуриятига бошчилик қиласидиган ҳамда мазкур Низомга ва Болалар шаҳарчаси уставига мувофиқ фаолият кўрсатадиган директор томонидан амалга оширилади.

Давлат Болалар шаҳарчаси директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Нодавлат Болалар шаҳарчаси директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда нодавлат Болалар шаҳарчаси муассиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Болалар шаҳарчаси директори лавозимиға қўйиладиган малака талаблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу малака талаблари нодавлат Болалар шаҳарчаларига ҳам татбиқ этилади. Болалар шаҳарчасига бевосита раҳбарлик муассаса маъмуриятига бошчилик қиласидиган ҳамда мазкур Низомга ва Болалар шаҳарчаси уставига мувофиқ фаолият кўрсатадиган директор томонидан амалга оширилади.

**55. Болалар шаҳарчаси директори:**

Болалар шаҳарчаси номидан иш кўради, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ўзига берилган ваколатлар доирасида Болалар шаҳарчаси мол-мулкини бошқаради;

ишончномалар беради;

ғазначилик бўлинмаларида шахсий ғазна ҳисобвараклари ва бошқа банк ҳисоб рақамлари очади;

кадрларни ишга қабул қиласи ва жой-жойига қўяди, Болалар шаҳарчаси ходимларини рағбатлантиради, уларга интизомий жазолар беради ва улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари)ни бекор қиласи;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради ва фармойишлар беради;

тарбияланувчиларнинг ҳаёти муҳофаза қилиниши ва соғлиги мустаҳкамланиши, ўқув-тарбия жараёнининг ҳолати, молия-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

**56. Болалар шаҳарчаси директорининг уч нафар: тарбиявий ишлар, ижтимоий масалалар ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари бўлади.**

Давлат Болалар шаҳарчаси директорининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади.

**57. Директор ва унинг ўринбосарлари лавозимларининг малака тасифлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.**

58. Болалар шаҳарчаси директори ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар шаҳарчаси директори ва унинг ўринбосарлари фаолиятига баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқади, ушбу мезонлар асосида уларнинг фаолияти баҳоланади ва кейинги йил учун меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

59. Болалар шаҳарчаси маъмурияти ҳар йили Болалар шаҳарчаси жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига тарбияланувчиларнинг соғлиги, уларни тарбиялаш ишлари тўғрисида, шунингдек тарбияланувчиларнинг мол-мулкини бошқариш бўйича ҳисбот тақдим этади.

## **7-боб. Болалар шаҳарчаси ходимлари**

60. Болалар шаҳарчаси директори жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шунингдек, судларда тарбияланувчиларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласиган қонуний вакил ҳисобланади.

Директор, агар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан маъмурият ва болаларнинг манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик мавжудлиги аниқланса, болаларнинг манфаатларини ифодалашга ҳақли эмас. Улар ўртасида келишмовчиликлар бўлган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи бошқа вакилни тайинлаши шарт.

61. Болалар шаҳарчаси оиласида тарбиячилар Ўзбекистон Республикасининг 30 ёшга тўлган, бироқ 55 ёшдан катта бўлмаган фуқаролари - ёлғиз аёллар ёки фарзандсиз эр-хотинглар бўлиши мумкин.

62. Тарбиячи Болалар шаҳарчаси оиласи бошлиғи ҳисобланади. Тарбиячилар белгиланган тартибда директор томонидан танлов асосида ишга қабул қилинади. Тарбиячиларнинг малака талаблари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Тарбиячиларни танлашда олий ёки ўрта маҳсус педагогик, психологик ёки тиббий маълумотли, ижтимоий иш кўнимасига эга бўлган шахсларга устунлик берилади.

Кўйидаги шахслар тарбиячилар бўлиши мумкин эмас:

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилганлар;

суд томонидан ота-оналик ҳукуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳукуки чекланганлар;

қонун билан ўзига юкланган мажбуриятлар зарур тарзда ижро этилмаганлиги учун васий (ҳомий) мажбуриятларидан четлатилганлар;

агар фарзандликка олиш уларнинг айби билан суд томонидан бекор қилинган бўлса, собиқ фарзандликка олганлар;

қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган бола тарбияси бўйича мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган ишга қўйиш учун қаршилик кўрсатувчи умумий тиббий монеликларга эга бўлган шахслар.

Шахснинг тарбиячи бўлишига монелик қиласиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

63. Тарбиячи қўйидагиларга мажбур:

болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлиғи, жисмоний, психик, ахлоқий-маънавий камол топиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

оилада ахлоқий-маънавий ва уй муҳитини яратиш;

ўз мажбуриятларини тарбияланувчиларнинг ҳукуқлари ва манфаатларига зарар етказмаган ҳолда бажариш;

бала учун ўзига берилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

ҳар олти ойда тиббий диспансер кўригидан ўтиш;

белгиланган тартибда малака ошириш курсларидан ўтиш;

ҳар икки йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида қўшимча ўқитишнинг икки ҳафталик курсидан ўтиш;

қонун ҳужжатларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошка мажбуриятларни бажариш.

64. Тарбиячи ота-оналар (уларнинг ўрнини босадиган шахслар) учун қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда жавоб беради, алимент тўлаш мажбурияти бундан мустасно.

65. Тарбиячи билан меҳнат шартномаси белгиланган тартибда, шунингдек, болалар ота-оналарига қайтарилиган (фарзандликка олинган) тақдирда бекор қилиниши мумкин.

66. Тарбиячилар Болалар шаҳарчасида меҳнат шартномасининг бутун амал қилиш муддати мобайнида яшайдилар ва тарбияланувчилар билан бирга бепул овқатланадилар.

Тарбиячининг овқатланиш харажатларини режалаштириш бир бола учун ўртача суткалик овқатланиш меъёrlари микдорида амалга оширилади.

67. Болалар шаҳарчасидаги тарбияланувчилар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш учун тарбиячиларга Болалар шаҳарчаси ҳудудида яшайдиган тарбиячи ёрдамчилари ёрдам берадилар ҳамда улар бўлмагандан ва уларнинг таътили даврида уларнинг вазифасини бажариб турадилар.

68. Болалар шаҳарчасининг мукаммал фаолият юритиши учун Болалар шаҳарчаси ходимлари сони ва зарур лавозимлар рўйхати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ унинг тузилмасига кирадиган оиласалар сонига боғлиқ ҳолда намунавий штатларга асосан белгиланади.

69. Болалар шаҳарчаси ходимлари бир йил муддатга танлов асосида ишга қабул қилинади, ушбу муддат йиллик иш натижаларига кўра кейинги йилга узайтирилиши мумкин.

70. Педагоглар, ижтимоий ходимлар ва психологиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ тарбияланувчиларга руҳий ва ижтимоий педагогик ёрдам кўрсатадилар, улар Bolalар шаҳарчаси тарбияланувчиларининг руҳий, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш ишларини ташкил қиласидилар.

71. Болалар шаҳарчасининг тиббиёт ходимлари тарбияланувчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўригини ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида ихтисослаштирилган даволанишга йўналтирилиши, тарбияланувчиларнинг реабилитация тадбирларига киритилиши, Bolalар шаҳарчасида санитария ва эпидемияга қарши режимларга риоя қилиниши, тарбияланувчиларнинг сифатли овқатланиши, уларнинг жисмоний ва ақлий юкламалари меъёrlари,

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши учун жавоб берадилар.

## **8-боб. Болалар шаҳарчалари таъминоти ва уларни моддий-техник таъминлаш**

72. Давлат Болалар шаҳарчалари таъминоти ва уларни моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Давлат болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Нодавлат болалар шаҳарчалари (“SOS” – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг тарбиявий муассасалари бундан мустасно) тарбияланувчилари муассислар таъминотида бўлади. Бунда маблағ билан таъминлаш ушбу Низомда давлат болалар шаҳарчалари учун белгиланган миқдорлар ва нормативлардан кам бўлиши мумкин эмас.

73. Болалар шаҳарчалари, қоидага кўра, туманлар марказларида ва йирик шаҳарларнинг шаҳар атрофи худудларида жойлаштирилади.

Болалар шаҳарчаси худуди, бинолари ва иншоотларига нисбатан минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Болалар шаҳарчасининг моддий-техник жиҳозланишига нисбатан минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Болалар шаҳарчасининг моддий-техник Болалар шаҳарчаси бинолари техника хавфсизлиги қоидаларида, шунингдек санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва фойдаланилади.

74. Болалар шаҳарчаси давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг унинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Нодавлат болалар шаҳарчалари тармоқлар, штатлар жадвали ва контингент бўйича молия органларига ҳисбот топширадилар.

75. Давлат болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишининг ўртача суткалик мақбул меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат, шунингдек, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ норма бўйича кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар, 3-иловага мувофиқ норма бўйича шахсий гигиена буюмлари билан таъминланадилар.

76. Бинолар сақланиши учун харажатлар ва Болалар шаҳарчалари фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа жорий харажатлар билан биргаликда

коммунал хизматлар бўйича харажатларни маблағ билан таъминлаш нақд пулсиз тўловлар орқали амалга оширилади.

77. Давлат болалар шаҳарчаларида ҳар ойда тарбиячига оила харажатларини қоплаш учун зарур бўлган маблағлар муассасанинг харажатлар сметаси доирасида нақд пул шаклида тўланади.

Оила харажатларига қуидагилар киради:

озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, чойшаблар ва сочиқлар, кундалик хўжалик ва шахсий гигиена буюмлари, ўйинчоқлар, ўқув қуроллари, бадиий китоблар, бошқа майда хўжалик буюмлари сотиб олиш ва транспорт харажатлари;

соғломлаштириш, таълим бериш ва маданий-оммавий тадбирлар.

78. Тарбиячилар томонидан оила бюджети маблағларидан тежаб қолинган пуллар оила байрамлари ва оиланинг бошқа мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

79. Давлат Болалар шаҳарчаларини молиялаштириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга харажатлар ажратиш Мехрибонлик уйлари учун белгиланган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

80. Давлат Болалар шаҳарчаларида битта тарбияланувчининг озик-овқат, кийим-кечак, пойабзал ва юмшоқ мебель билан таъминлаш меъёри Мехрибонлик уйлари учун тасдиқланган меъёрларга ўхшаш ҳолда белгиланади.

81. Болалар шаҳарчасида молиявий бошқариш тизими Болалар шаҳарчасининг ҳар бир оиласида молиявий жавобгарлик ва ҳисбот беришга йўналтирилган.

Маъмурий-бошқарув механизmlари Болалар шаҳарчаси раҳбарияти томонидан ҳар бир оиланинг табиий жараёнларига аралашишини камайтиришини назарда тутади.

82. Болалар шаҳарчасининг барча раҳбар, педагог ва бошқа ходимларига етим болалар билан ишлашнинг маҳсус шароитлари учун иш ҳақи ставкасига 50 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

Тарбиячилар ва тарбиячининг ёрдамчиларига болалар билан кечакундуз, шу жумладан, тунги вақтда ишлаганлиги учун иш ҳақи ставкасига 100 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.

83. Бюджетнинг ғазначилик ижросига ўтмаган минтақаларда давлат Болалар шаҳарчаси таъминоти учун ажратиладиган пул маблағлари ҳар ойда унинг банқдаги ҳисоб рақамига белгиланган муддатларда ва тартибда ўтказилади.

84. Бюджетнинг ғазначилик ижросига ўтган минтақаларда давлат Болалар шаҳарчаси харажатларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молия органларида, шунингдек, ғазначилик бўлинмаларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган харажатлар сметалари асосида тўлаш учун ғазначилик ҳисоб рақами очилади.

85. Болалар шаҳарчасини моддий кўллаб-қувватлаш, тарбияланувчиларни мустакил ҳайт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида Болалар шаҳарчаси маъмурияти васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик ёки бошқа фаолиятни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Болалар шаҳарчаси маъмурияти бюджетдан ташқари маблағларни ўтказиш учун алоҳида банк ҳисоб рақамини очиш ҳуқуқига эга.

86. Болалар шаҳарчасига берилган болаларнинг таъминоти учун маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча меъёрлар ва имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим. Айрим сабабларга кўра ўтган молия йилида тўланмаган пул маблағлари кейинги молия йилида тўланади.

87. Йил давомида фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Болалар шаҳарчасининг эҳтиёжларига сарфланади.

88. Болалар шаҳарчасининг барча молияв-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини Болалар шаҳарчаси бухгалтери амалга оширади, у тегишли халқ таълимини молиялаштириш бўлимларига ҳар ойда ва ҳар чоракда ҳисботот топширади.

89. Болалар шаҳарчаси бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисботини тузиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

90. Барча тарбиячилар моддий жавобгар ҳисобланадилар.

91. Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларининг овқатланишини ташкил этиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

92. Озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида бир марта (тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳафтасига камида икки марта) сотиб олиш тарбиячи томонидан амалга оширилади.

Тарбиячи тарбияланувчиларнинг уларнинг ёшига мувофиқ равишда балансланган овқатланишини таъминлайди.

Тарбиячи овқат пишириш учун зарур бўлган маҳсулотлардан сарфланган маҳсулотларни кейинчалик таомнома бўйича ҳисбдан чиқармасдан фойдаланади.

Оиладаги болаларнинг сифатли ва тўлақонли овқатланишининг ташкил этилганлиги болаларни доимий равишда тиббий кўриқдан ўтказиш, умумий ривожланиши, ўсиши, вазни, шунингдек, врач ва Болалар шаҳарчаси маъмуриятининг танлаб назорат қилиш натижаларига кўра аниqlанади.

93. Маҳсулотлар чакана савдо ташкилотларидан харид қилганда тўлов чеклари сақлаб қўйилади, озиқ-овқат бозоридан нақд пулга харид қилинган маҳсулотлар учун эса далолатнома тузилади.

94. Озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа товарларни ҳисбдан чиқариш тарбиячилар томонидан тақдим этилган чеклар ва далолатномалар асосида доимий ишлайдиган комиссия томонидан амалга оширилади.

95. Доимий ишлайдиган комиссия таркиби Болалар шаҳарчаси директори томонидан бир йилга белгиланади ва унинг буйруғи билан тасдиқланади.

96. Болалар шаҳарчасидан узоқ масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида ўқиётган тарбияланувчиларга, йирик харидлардан ташқари, Болалар шаҳарчасидаги тушлик пул қийматидан ошмайдиган миқдорда тушликка нақд пул берилади.

97. Тушлик учун нақд пуллар нормативлари суммаларни тарбияланувчиларнинг ёшига қараб тақсимлаган ҳолда тасдиқланади.

98. Болалар шаҳарчасининг тарбияланувчилари Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун кўзда тутилган барча имтиёзларга эга бўлади.

99. Болалар шаҳарчаси врачи тарбиячига озиқ-овқат маҳсулотлари танлашда маслаҳат ёрдами беради ва овқатланишни ташкил этишини ва унинг сифатини танлаб назорат қиласи.

Болалар шаҳарчаси врачи бухгалтерия ва тарбиячиларнинг доридармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун ишлатган маблағлари билан боғлиқ бўлган барча ҳисоб-китоб ёзишмаларини тўсқинликсиз олиш ҳукуқига эга.

100. Болалар шаҳарчасининг молия-хўжалик фаолияти юзасидан назоратни молия органлари амалга оширадилар.

101. Болалар шаҳарчасининг моддий-техника базаси бинолар, иншоотлар, ер участкалари, коммуникациялар, инвентарлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалардан иборат бўлади.

#### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

102. Болалар шаҳарчаси мақоми охирги тарбияланувчи вояга етгунга, васийликка, ҳомийликка, оиласа тарбияга (патронатга) ёки шу турдаги бошқа муассасага жойлаштирилгунга қадар сақланиб қолади.

103. Болалар шаҳарчаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

104. Болалар шаҳарчаси тугатилганда унинг пул маблағлари ва мол-мулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш тўловларини чегирган ҳолда қонун хужжатларига ва унинг уставига мувофиқ фойдаланилади.

Болалар шаҳарчаси тўғрисида низомга  
1-илова

**Болалар шаҳарчаларининг намунавий штатлари**

Т/р	Лавозимлар номи	Оилалар сонига кўра штат бирликлари сони		
		12 оила	16 оила	18 ва ундан кўп оила
1.	Директор	1	1	1
2.	Директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1	1	1
3.	Директорнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари	1	1	1
4.	Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1	1	1
5.	Юристконсульт	0,5	0,5	0,5
6.	Тарбиячи	12	16	18 ва ундан ортиқ
7.	Тарбиячининг ёрдамчиси	6	8	9 ва ундан ортиқ
8.	Ижтимоий ходим	1	1,5	2
9.	Психолог	1	1,5	2
10.	Бош бухгалтер	1	1	1
11.	Бухгалтер	1	1	1
12.	Кассир	1	1	1
13.	Врач	1	1	1
14.	Иш юритувчи котиб	1	1	1
15.	Мусика раҳбари	1	1	1
16.	Тиббий ҳамшира	1	1	1
17.	Жисмоний тарбия инструктори	1	1	1

**Изоҳ.**

Ишловчилар сони 200 нафаргача бўлган болалар шаҳарчаларига бир неча лавозимда ишилаш шартларида иш ҳақи тўланган ҳолда 0,5 штат бирлигидан иборат бўлган фуқаро мудофааси бўйича мутахассис лавозими киритилади.

Автомобиль, автобус, микроавтобус ёки юк транспортни мавжуд бўлган болалар шаҳарчаларида ҳайдовчи лавозими жорий этилади.

Коровул лавозими дам олиши кунлари, байрам кунлари ва таътил даврида ўрнига ўзганинг ишилашини ҳисобга олган ҳолда 2,5-3 штат бирлиги миқдорида белгиланади.

Болалар шаҳарчаларида маъмурий бинолар ҳудудини супуриш-ийзишишириш учун хизматчи лавозими жорий этилади.

Мевали боғ ёки манзарали ўсимликлардан иборат бўлган камидаги 1,5 га ер участкаси мавжуд бўлган болалар шаҳарчаларида боғбон лавозими жорий этилади.

Иситиш мавсумида (кочегарлар), бинолар, ишиоотлар ва асобоб-ускуналарга комплекс хизмат кўрсатилиши ва уларни таъмирлаш бўйича ишчилар (кочегарлар) ёки қўйидаги ҳисоб-китоблар бўйича ўт ёқувчилар (кочегарлар) лавозимлари жорий этилади:

марказий иситиш тармоги мавжуд бўлганда — ҳар бир бугқозонга бир смена учун 1 бирлик кочегар лавозими, иситиш юзаси 75 кв. метрдан ортиқ бўлган, ёқилганинг қаттиқ турлари (торф, тошкўмир) қўлланадиган бугқозонларга — ҳар бир бугқозон учун бир сменада 2 бирлик кочегар лавозими;

газ билан иситишда — бир смена учун 1 бирлик кочегар лавозими, хавфсизлик автоматикаси мавжуд бўлмаган бугқозонхоналарда эса бир смена учун 2 бирлик кочегар лавозими.

Биноларга комплекс хизмат кўрсатилиши ва уларни таъмирлаш бўйича ишчилар лавозими қўйидаги ҳисоб-китоб бўйича белгиланади:

ҳар 500 ёритиш нуқтаси учун 1 бирлик электромонтёр лавозими, бироқ у Болалар шаҳарчаси учун 0,5 бирликтан кам бўлмаслиги керак;

сув қўвури ва канализация билан таъминланган ҳар 2000 кв. метр фойдали майдон учун 1 бирлик чилангар-сантехник лавозими, бироқ у Болалар шаҳарчаси учун 0,5 бирликтан кам бўлмаслиги керак;

Болалар шаҳарчаси учун 1 бирлик дурадгор лавозими.

Болалар шаҳарчалари таъминоти учун харажатлар сметаларида мактаб ёшидаги болалар ва аралаш тирадаги болалар уйлари учун Bolalalar shaharchasiga 1 stavka miqdoriida — tuygaraklar rahbarlari iish ҳақига маблаглар ажратилиши назарда тутилади.

Болалар шаҳарчаси тўғрисида низомга  
2-илова

**Болалар шаҳарчаси тарбияланувчиларини кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ  
жихозлар билан таъминлаш  
НОРМАЛАРИ**

Т/р	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жихозлар номи	Ўлчов бирлиги	Мактаб ёшидаги бир нафар тарбияланувчи учун		Мактабгача ёшдаги бир нафар тарбияланувчи учун		
			Сони		Фойдаланиш муддати (йил)	Сони	Фойдаланиш муддати (йил)
			Ўғил болалар учун	Қиз болалар учун			
<b>I. Кийим-бошлар</b>							
1	Қишки пальто/куртка	та	1	1	2	1	2
2	Мавсумий пальто, куртка	та	1	1	2	1	2
3	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1	-	-
4	Ўғил болалар учун костюмлар (галстук билин)	тўплам	2	-	2	2	2
5	Жун костюм (байрам учун)	тўплам	1	-	2	1	2
6	Ўғил болалар учун ип газламадан мактаб кўйлаклари	та	3	-	1	-	-
7	Ўғил болалар учун ип газламадан устки кўйлак	та	3	-	1	3	1
8	Қизлар учун кўйлак (юбка, блузка)	та	-	3	1	3	1
9	Қизлар учун уй халатлари/кўйлаклари	та	-	2	1	2	1
10	Қишки кўйлак (байрам учун)	та	-	1	1	1	1
11	Жун свитерлар (жемперлар)	та	2	2	2	2	2
12	Ёзги кўйлаклар (байрам учун)	та	-	3	1	3	1
13	Ёзги бош кийим	та	1	1	1	1	1
14	Қишки бош кийим	та	2	2	1	2	1
15	Қизлар учун трико ва шим	та	-	4	1	4	1
16	Дастрўмллар	та	6	6	1	6	1
17	Ўғил болалар учун шим камари	та	1	-	1	-	-
18	Шарф	та	1	1	2	1	2
19	Қўлкоплар	жуфт	2	2	1	2	1
20	Ички кўйлак (пижама)	тўплам	4	4	2	5	2
21	Спорт формаси, крессовка	тўплам	1	1	1	1	1
22	Бюостгалтер	та	-	3	1	-	-
23	Калта спорт иштони	та	2	2	1	1	1
24	Майкалар	та	4	4	1	4	1

25	Ип пайпоқлар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
26	Жун пайпоқлар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
27	Ботинкалар, туфлилар	жуфт	3	3	1	3	1
28	Шиппаклар	жуфт	2	2	1	2	1
29	Қишки этиклар, ботинкалар	жуфт	1	1	1	1	1
30	Калишлар	жуфт	1	1	1	1	1
31	Ярим жун спорт костюми	та	1	1	1	1	1
32	Тунги пижамалар	та	2	1	1	2	1
33	Колготкалар	та	-	5	1	6	1
34	Чўмилиш кийимлари	та	1	1	1	1	1
35	Резина шапка	та	1	1	2	1	1
36	Иш кийими	тўплам	1	1	2	1	1
37	Портфеллар, сумкалар	та	1	1	1	-	-
38	Шахсий буюмларни сақлаш учун рюкзак/сумка	та	1	1	3	1	5

**II. Юмшоқ жиҳозлар**

39	Чойшаб	та	3	1	5	1
40	Кўрпа чойшаби	та	2	1	2	1
41	Ёстик жилди	та	3	1	4	1
42	Сочик	та	2	1	2	1
43	Пахмоқ сочиқ	та	2	1	2	1
44	Жун ёки пахтали адёл	та	1	6	1	6
45	Пахмоқ адёл	та	1	3	2	3
46	Тўшак	та	1	4	2	3
47	Момикли ва патли ёстик	та	1	6	2	4
48	Катта чойшаб	та	1	3	1	3
49	Каравот ёнига тўшаладиган гиламча	та	1	4	1	4

Болалар шаҳарчаси түғрисида низомга  
3-илова

**Болалар шаҳарчаси тарбияланувчилигини шахсий гигиена буюмлари  
билин йиллик таъминлаш  
НОРМАЛАРИ**

Т/р	Буюмларнинг номи	Ўлчов бирлиги	3-7 ёшли болалар учун (сони)		8-13 ёшли болалар учун (сони)		14-16 ёшли болалар учун (сони)	
			ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
1	Атир совун (100 гр)	дона	24	24	24	24	24	24
2	Хўжалик (кир) совуни (100 гр)	дона	12	12	12	12	12	12
3	Шампунь (200 гр)	дона	12	12	12	12	12	12
4	Тиш пастаси (30 гр)	тюбик	12	12	12	12	12	12
5	Тиш чўткаси	дона	3	3	3	3	3	3
6	Тароқ	дона	2	2	2	2	2	2
7	Бадани ювиш учун губка	дона	2	2	2	2	2	2
8	Пойабзал мойи	тюбик	2	2	2	2	2	2
9	Ҳожатхона көгози	ўрам	24	24	24	24	24	24
10	Қиз болалар учун шахсий гигиена воситаси (қистирма)	тўплам (10 дона)	-	-	-	12	-	12
11	Кир ювиш кукуни (400 гр)	упаковка	8	8	8	8	12	12
12	Тоғора (пластмасса) (сифими 10 л) (фойдаланиш муддати 3 йил)	дона	1	1	1	1	1	1
13	Соқол олиш буюми (бритва), бир марталик	дона	-	-	-	-	12	5
14	Соқол олиш воситаси (соқол олиш кўпиги, лосьон) (100 — 150 гр)	флакон	-	-	-	-	6	-
15	Дезодорант (аэрозоль)	дона	-	-	-	-	6	6
16	Момик (пахта) (200 гр)	тўплам	-	4	-	4	-	4

Вазирлар Мажкамасининг  
2020 йил “21” ноябрдаги 739-сон қарорига  
4-илова

**Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа  
тарбияга олиш (патронат) түғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.

3. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган, фарзандликка бола олишга номзод сифатида рўйхатда турган шахс(лар)нинг аризасига ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олиш асосли ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хуносасига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Шахс(лар)ни фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйиш уларнинг туар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

4. Фарзандликка оловчилар – болаларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-она мажбуриятларини ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган шахслардир.

**2-боб. Фарзандликка олиниши лозим бўлган болаларни ва уларни  
фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларни ҳисобга олиш**

5. Фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотлар ва фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулоса боланинг турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тайёрланади.

6. Ота-оналар қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган муассасалар (мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасалар)нинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақида болалар яшаб турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органларини уч кун муддатда хабардор қилишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотлар бошқа ташкилотлар

ва муассасаларга, шунингдек, фуқароларга қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари берилишига йўл қўйилмайди.

7. Қўйидагилар фарзандликка олининиши лозим бўлган болалар сифатида ҳисобга олинади:

ота-онаси вафот этган;

ота-онаси ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган;

ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган;

ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган;

ота-онаси бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган;

ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортган;

ота-онаси бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган болалар.

8. Фарзандликка олишни хоҳловчи шахс яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшави, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинаётган болани ёши ва жинси кўрсатилган ҳамда фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйиш сўралган ариза;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва унинг нусхаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса) ёки никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бошқасининг розилиги (агар эр-хотин оиласидан муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди);

иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хulosasi (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари маълумотномалари);

қасддан содир этган жинояти учун илгари судланмаганлиги ҳақида ички ишлар органининг ахборот марказидан олинган маълумотнома;

туар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки туар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Фарзандликка олиш истагини билдирган шахслар тўғрисида хulosasi тайёрлаш учун васийлик ва ҳомийлик органлари фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг яшаш шароитини ҳамда мазкур банднинг иккинчи-ўн

биринчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатларни қабул қилган кунидан бошлаб 10 иш куни ичида ўрганиб чиқади ва тегишли далолатнома тузади. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тузилган далолатномада бошқа барча маълумотлар билан бир қаторда фарзандликка олишга тўсқинлик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса кўрсатиб ўтилади.

Ариза ва унга илова қилинган хужжатлар, шунингдек, болани фарзандликка олишни ҳоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиши далолатномаси асосида васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида уларнинг фарзандликка олувчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хulosани тайёрлайди.

Фарзандликка олувчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хulosани билан бирга ариза берувчига унинг фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги хужжат берилади.

Агар фарзандликка олинаётган бола фарзандликка олишни ҳоҳловчи шахсга қариндош (невара, ўгай ўғил ёки ўгай қиз ва ҳоказо) бўлса ёки унинг оиласида яшаётган бўлса, фарзандликка олувчи бўлиш имконияти тўғрисидаги хulosани 10 иш куни мобайнида тузилади ва ариза берувчига берилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари салбий хulosани ва унга асосланган фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйишнинг рад этилишини хulosani имзолangan санадан бошлаб 5 кун муддатда ариза берувчининг эътиборига етказадилар. Айни бир вақтда ариза берувчига барча хужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи барча хужжатларнинг нусхаларини ўзига олиб қолади ва аслини ариза берувчига келгусида судга тақдим этиш учун қайтариб беради.

9. Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик хуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгилangan тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар улар фарзандликка олиш бўйича зиммаларига юклangan мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганликлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари, ота-оналик хуқуқини суиистеъмол қилганликлари, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек, сурункали ичкилиkbозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлганликлари муносабати билан фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса;

қасддан содир қилған жинояти учун илгари ҳукм қилингандар.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ үн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно.

10. Фарзандликка олишда қуидагилар устунлик хукуқига эга бўладилар:

туар жойидан қатъи назар, фарзандликка олинувчининг қариндошлари;

оиласида фарзандликка олинувчи бола яшаётган шахс;

ака-ука, опа-сингилларни улар орасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

ўгай ота ва ўгай она;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

### **3-боб. Фарзандликка олиш учун болаларни танланиш**

11. Васийлик ва ҳомийлик органи фуқаролар фарзандликка олувчи номзодлар сифатида ҳисобга қўйилгандан кейин уларга фарзандликка олиш мумкин бўлган бола (болалар) тўғрисидаги ахборотни тақдим этади ва бола (болалар) яшайдиган (турган) жойда болани (болаларни) кўриш учун йўлланма беради.

Агар фарзандликка олишга номзодлар ўз яшаш жойида фарзандликка олиш учун болани танлай олмаса, улар фарзандликка олинадиган бола тўғрисида маълумот олиш учун ўз ҳоҳишларига кўра бошқа васийлик ва ҳомийлик органига ёки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилишлари мумкин.

12. Фарзандликка олишга номзодлар қуидаги хукуқларга эга:

бола тўғрисидаги батафсил маълумотни ва унинг қариндошлари борлиги ҳақидаги маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибда бола турган муассасанинг вакили иштирокида болани фарзандликка олишни мустақил тиббий текширувдан ўтказиш учун тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши.

13. Фарзандликка олишга номзодлар шахсан:

бола билан танишишга ва у билан алоқа ўрнатишга;

фарзандликка олинадиган боланинг хужжатлари билан танишишга;

боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса билан танишганликни ёзма шаклда тасдиқлашга мажбур.

14. Васийлик ва ҳомийликдаги, давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, ота-онасининг розилиги талаб қилинмайдиган ҳолларда, васий (ҳомий) ёки ушбу муассаса маъмурияти розилиги билан амалга оширилади.

#### **4-боб. Фарзандликка олиш асосли ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosани тузиш**

15. Фарзандликка олиш учун бола танлангандан кейин фарзандликка оловчи бўлиш имконияти тўғрисидаги хулоса асосида фарзандликка оловчи номзод Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қиласди.

Суднинг сўровига кўра васийлик ва ҳомийлик органлари фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хulosани судга тақдим этадилар. Хulosага қўйидагилар илова қилинади:

фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка оловчиларнинг (оловчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка оловчиларнинг (оловчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг соглиги ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хulosса;

ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка оловчиларнинг (оловчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

бала ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

бала унинг қариндошлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи хужжат, шунингдек, болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи хужжатлар.

Зарурат бўлганда, суд бошқа ҳужжатларни (маълумотларни) ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

## **5-боб. Чет эл фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиш**

16. Чет эл фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка олишни хоҳловчи шахс ўз турар жойидаги васийлик ва хомийлик органига қўйидаги хужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиш хукуқига эга:

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшashi, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинаётган боланинг ёши, жинси ва яшаётган (турган) мамлакати кўрсатилган ҳамда фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйиш сўралган ариза;

шахсни тасдиқловчи хужжат ва унинг нусхаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса) ёки никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бошқасининг розилиги (агар эр-хотин оиласи муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди);

иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиги ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари маълумотномалари);

қасддан содир этган жинояти учун илгари судланмаганлиги ҳақида ички ишлар органининг ахборот марказидан олинган маълумотнома;

турар жойга бўлган мулк хукуқини ёки турар жойдан фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи хужжат;

фарзандликка олинаётган бола билан қариндошлигини тасдиқловчи хужжат ёки турли сабабларга кўра ўз ватанида фарзандликка олишнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи хужжат;

фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ёки боланинг ота-онаси бедарак йўқолганлиги, вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд қарори;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг соғлиги ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

тегишли давлат органининг фарзандликка олинаётган боланинг (бошқа мамлакатда доимо яшаб келаётган бола учун) Ўзбекистон Республикасиға кириши ва доимий яшashi учун рухсатнома;

Ўн ёшга тўлган фарзандликка олинувчининг фарзандликка олинишга розилиги, шунингдек, фамилияси, исми, отасининг исми ўзгаришига ва фарзандликка оловчиларни унинг ота-онаси сифатида ёзилишига розилиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет эл фуқароси бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси худудида яшаётган (турган) фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка олиш хақидаги аризасига мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бола қонуний вакилининг ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги (фуқаролиги бор бўлса) ҳам илова қилинади.

Ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбошиларида кўрсатилан ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

17. Фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикасиға кириши ва доимий яшашига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Рухсатномани олиш учун фуқаролар доимий яшаш жойидаги ички ишлар органларига тегишли шаклдаги анкета-аризани тўлдирган ҳолда мурожаат қиладилар.

Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва унинг нусхаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса) ёки никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

фарзандликка олинаётган бола билан қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки турли сабабларга кўра ўз ватанида фарзандликка олишининг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ёки боланинг ота-онаси бедарак йўқолганлиги, вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд қарори;

фарзандликка олинаётган боланинг тугилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма.

Текширув натижаларига кўра ички ишлар органлари сўровнома ва бошқа ҳужжатларни олган кундан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида фарзандликка олинаётган болага Ўзбекистон Республикасиға киришига ва доимий яшашига рухсат беради ёки рад этади.

18. Фарзандликка оловчи бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун васийлик ва ҳомийлик органлари тегишли ҳужжатларни қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш куни ичидаги фарзандликка олишини хоҳловчи шахснинг

яшаш шароитини ўрганиб чиқлади ва далолатнома тузади. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тузилган далолатномада бошқа барча маълумотлар билан бир қаторда фарзандликка олишга тўсқинлик қилувчи Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 152-моддасида кўзда тутилган ҳолатлар бўлса кўрсатиб ўтилади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек, болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиши далолатномаси асосида васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида уларнинг фарзандликка оловчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хуносани тайёрлайди. Фарзандликка оловчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хуноса билан бирга ариза берувчига у фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги ҳужжат берилади.

Васийлик ва ҳомийлик органининг фуқаронинг фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйишнинг рад этилиши ҳақидаги асосли хуносада имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда ариза берувчига етказилади. Айни бир вақтда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи барча ҳужжатларнинг нусхаларини ўзига олиб қолади ва аслини ариза берувчига келгусида судга тақдим этиш учун қайтариб беради.

19. Фарзанд олишга рухсат олмоқчи бўлган чет элда доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Оила кодексининг 161<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Аризада фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшави, агар фарзандлари бўлса, уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинаётган боланинг ёши ва жинси кўрсатилади.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва унинг нусхаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса) ёки никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бошқасининг розилиги (агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди);

фарзандликка олишни хоҳловчи шахсларнинг (шахснинг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиги ҳолати ҳақида тиббий хulosса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари маълумотномалари);

қасдан содир этган жинояти учун илгари судланмаганлиги ҳақида ички ишлар органининг ахборот марказидан олинган маълумотнома;

турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

фарзандликка олинаётган бола билан қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки турли сабабларга кўра ўз ватанида фарзандликка олишнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси вафот этганлиги тўгрисидаги гувоҳнома нусхаси ёки боланинг ота-онаси бедарак йўқолганлиги, вафот этган деб эълон қилинганлиги тўгрисидаги суд қарори;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан фарзандликка олевчининг оилавий шароити ва фарзандликка олевчи бўлиши имконияти тўгрисидаги хulosса;

боланинг фуқаролиги (фуқаролиги мавжуд бўлса) бўлган давлат ваколатли органининг розилиги;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўгрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг соғлиги, руҳий ва жисмоний ривожланишини тасдиқловчи тиббий хulosса;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўгрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурият.

20. Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари ўн иш куни ичида фарзандликка олевчиларнинг яшаш шароитларини ўрганиб чиқиб, мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган ариза ва ҳужжатларнинг нусхаларини кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш учун Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

Халқ таълими вазирлиги фарзандликка олинаётган болага Ўзбекистон Республикаси худудига кириш ва доимий яшаш учун рухсатнома олиш учун ариза берувчининг ҳужжатлари нусхаларини Ички ишлар вазирлигига юборади.

Тегишли рухсат (рад) жавоби олингандан кейин Халқ таълими вазирлиги фуқарони фарзандликка олевчи бўла олиши (бўла олмаслиги) ҳақида хulosса тайёрлайди.

Фуқаро фарзандликка олевчи бўла олиши (бўла олмаслиги) ҳақида хulosса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ариза берувчига тақдим этиш учун юборилади.

## **6-боб. Фарзандликка олишни расмийлаштириш ва уни сир сақлаш**

21. Фарзандликка олиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга киргандан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганларнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Агар суд қарорида қайд этилган бўлса, фарзандликка оловчилар боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади.

22. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг юзага келган вақти ҳисобланади.

23. Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа хужжатлардаги фарзандликка оловчилар фарзандликка олинганнинг отаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка оловчиларнинг розилигисиз, улар вафот этган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка оловчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

### **7-боб. Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари**

24. Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка оловчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-онасининг қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини йўқотадилар.

Агар фарзандликка олаётган эркак киши бўлса онасининг, агар аёл киши бўлса отасининг илтимосига кўра боланинг манфаатларидан келиб чиқиб уни фарзандликка бир шахс томонидан олинаётгандаги мулкий ва номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолиниши мумкин.

Агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки онанинг ота-онасининг (бобо ёки буви) илтимосига кўра вафот этган ота ёки онаси қариндошларига нисбатан шахсий мулкий ёки номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолиниши мумкин.

25. Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

### **8-боб. Фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар ва унинг оқибатлари**

26. Фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчилар:

ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;

ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;

фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;

муттасил ичкиликбозликка ёки гиёхвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчи ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин унинг хулқатвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга қўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

27. Фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишини унинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола талаб қилиш ҳуқуқига эга.

28. Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Бу тоифадаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга кирганидан кейин уч кундан кечиктирмай суд шу қарордан кўчирмани фарзандликка олинган бола туғилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юбориши шарт.

29. Суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинган бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчилар қариндошларининг) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек, агар болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, бола васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми сақланиш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак.

Ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгаририлиши мумкин.

30. Фарзандликка олинган болаларнинг шахсий ҳужжатларининг нусхалари фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган

боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани берган васийлик ва ҳомийлик органида етмиш беш йил мобайнида сақланади.

### **9-боб. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан болаларни фарзандликка олиш**

31. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-167, 237-моддалари, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилиниши лозим.

32. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олишни истовчи шахсларни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бундай фарзандликка олишнинг асосий шарти фарзандликка олиш масаласини кўриб чиқишида фарзандликка оловчиларнинг шахсан иштирок этиши, дипломатик ваколатхонанинг куйидаги маълумотларни: фарзандликка бола олишни истовчи фуқароларнинг фамилияси, исми, ота исмини, туғилган вақти, турар жойи, моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни, тиббий хулоса, оиланинг ахлоқий-рухий шарт-шароити, шунингдек, фарзандликка оловчининг ҳар бирига тавсифномаларни ўз ичига олган илтимосномаси ҳисобланади.

Фарзандликка оловчилар фарзандликка олинган болалар балоғатта етгунларига қадар ҳар йили хорижий давлатларнинг тегишли дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига боланинг психик ва жисмоний ҳолати, унинг яшаш ва тарбияланиш шароитлари тўғрисида ахборот тақдим этадилар. Ушбу маълумотлар хорижий давлатнинг маҳсус ваколатли органи ёки болаларни фарзандликка олиш бўйича ташкилот томонидан тасдиқланиши керак.

33. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка оловчи қайси давлатнинг фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги, агар бола ёки унинг ота-онаси (улардан бири) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олган бўлсагина, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Агар фарзандликка олиш натижасида боланинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар билан белгиланган хуқуqlари бузилса, фарзандликка оловчи қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, фарзандликка олишни амалга ошириш мумкин эмас, агар фарзандликка олинган бўлса, у суд тартибида бекор қилиниши керак.

## **10-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фарзандликка олувчилар оиласарида болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини назорат қилиши**

34. Фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фарзандликка олинган боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органи унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қиласди.

Ҳудудида бола фарзандликка олинган васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олиш тўғрисида суд қарори чиққандан кейин 10 кун муддатда фарзандликка олувчи (лар)нинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли ахборотни юбориши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни беришда фарзандликка олиш сир сақланиши керак. Уни ошкор қилишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

35. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари томонидан, фарзандликка олиш белгилангандан дастлабки 3 йил мобайнида ҳар йили ўтказилади. З йил ўтгандан кейин назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан фарзандликка олувчи (лар) оиласида шаклланадиган аниқ вазиятга мувофиқ якка тартибда белгиланади. Фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат тартибида текшириш фарзандликка олиш сир сақланган ҳолда ўтказилади.

36. Назорат тартибида текшириш натижалари бўйича оила бориб кўрган васийлик ва ҳомийлик органи вакили фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши тўғрисида ҳисобот тузади. Ҳисоботда боланинг соғлиғи, ўқиши, унинг руҳий ва хулқ-атвор жиҳатдан камол топиши, ўзига ўзи хизмат қилиш кўнималари, ташқи кўриниши ва оиладаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак.

## **11-боб. Болаларни оиласида тарбияга олиш (патронат)**

37. Болаларни оиласида тарбияга олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Фарзандликка олган оила ота-оналар қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш шаклларидан бири ҳисобланади. Отa-оналар қаровисиз қолган болани (болаларни) тарбия қилиш учун олишни истайдиган фуқаролар (эр-хотин ёки алоҳида фуқаролар) тутинган ота-оналар деб аталади, ушбу оила эса фарзандликка олган оила ҳисобланади.

38. Отa-она қарамогидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларидаги болалар оиласида тарбияга берилади.

Фарзандликка олган оиладаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва фарзандликка олинган болалар билан биргаликда, қоидага кўра, 8 нафардан ошмаслиги керак.

39. Болаларни оиласа тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузилган маҳсус шартнома асосида амалга оширилади.

## **12-боб. Фарзандликка олган оилани ташкил этиш тартиби**

40. Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қуидагилар бундан мустасно:

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар;

суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналиқ ҳуқуки чекланган деб эътироф этилган шахслар;

қонун билан ўз зиммасига юклangan мажбуриятларни лозим даражада бажармагани учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

ўз зиммаларига юклangan мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки уларни лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналиқ ҳуқуқини суистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек, муттасил ичкилиkbозликка ёки гиёхвандликка мубтало бўлганликлари учун фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилинган бўлса, илгари фарзандликка бола олган шахслар;

қасдан қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;  
соғлигининг ёмонлиги туфайли бола тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

Қайси касалликка чалинган тақдирда болани тарбияга олиш тақиқланадиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан белгиланади.

41. Болани (болаларни) фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар ўз яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-оналар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган аризани берадилар.

Аризага қуидагилар илова қилиниши керак:

никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса) ёки никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бошқасининг розилиги (агар эр-хотин оилавий муносабатларни тутатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди);

иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи кўрсатилган ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

фарзандликка олишни хоҳловчи шахснинг соғлиги ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари маълумотномалари);

қасддан содир этган жинояти учун илгари судланмаганлиги ҳақида ички ишлар органининг ахборот марказидан олинган маълумотнома;

санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлган мулк ҳукуқидаги, ижара (ижара олиш) шартларидағи ёки бошқа асослардаги уй-жой мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Ариза беришда шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатилади.

Васийлик ва ҳомийлик органи ариза берилган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида оиланинг турмуш шароитларини, болаларни тарбияга олишни истаганларнинг моддий таъминланганлик ҳолатини текширади, текшириш далолатномасини тузади ва текшириш далолатномаси асосида уларни ҳисобга қўяди. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчилар эътиборига қарор қабул қилинган кунидан бошлаб 5 кун муддатда етказилади. Ҳисобга қўйиш рад этилган тақдирда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисобда турган шахс васийлик ва ҳомийлик органлари билан келишган ҳолда васийлик ва ҳомийлик органларида ҳисобда турган ва ота-оналар қаровисиз қолган, шу жумладан, тарбиялаш ва даволаш муассасаларидағи, шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидағи вояга етмаган болаларнинг дастлабки танлаб олинишини амалга оширади;

42. Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

43. Болаларни оиласа тарбияга бериш уларнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болаларни фақат уларнинг розилиги билан оиласа тарбияга бериш мумкин.

Ўзаро қариндош бўлган болалар, қоидага кўра, битта оиласа берилади, тиббий кўрсаткичлар бўйича ёки бошқа сабабларга кўра улар бирга тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

### **13-боб. Болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишув**

44. Болаларни фарзандликка оладиган оиласа тарбиялаш учун бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган намунавий битим асосида амалга оширилади. Болаларни тарбиялаш учун оиласа қабул қилиш тўғрисидаги битим васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-оналар ўртасида тузилади.

45. Болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда тутинган ота-она тўғрисида маълумотлар (яшаш жойи, паспорти, оиласи шароити), болани таъминлаш шароитлари, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим

бериш, тутинган ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг тутинган оиласи нисбатан мажбуриятлари, шунингдек, бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

46. Васийлик ва ҳомийлик органи тутинган ота-оналар билан келишув тузилишигача болани тарбияга олаётган оиланинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиши ва ушбу оила аъзолари соғлигининг ахволи ҳақида маълумотлар тўплаши шарт.

#### **14-боб. Тарбияга берилган болаларнинг моддий таъминоти**

47. Васийлик ва ҳомийлик органлари оиласи тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларни ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳар йили бир марта кийим-бош, пойабзал ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа билан таъминлайдилар.

48. Тутинган ота-онага ҳомийлар, ташкилотлар, идоралар, айрим шахслар томонидан болаларни тарбиялаш мақсадида турли моддий ва маънавий ёрдам берилиши ҳам мумкин.

#### **15-боб. Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши**

49. Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув муддатидан олдин қуйидаги сабаблар бўлганда тутинган ота-онанинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин:

касаллиги;

оиласи ёки мулкий мавқенинг ўзгариши;

болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқалар.

Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан ёки болалар ота-оналарга қайтарилган ёхуд улар фарзандликка олинганда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

50. Болаларни оиласи тарбияга олиш тўғрисидаги келишувларни тўхтатиш тўғрисидаги низолар суд тартибида ҳал қилинади.

#### **16-боб. Оиласи тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари**

51. Оиласи тарбияга берилган болалар:

ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

уй-жойга бўлган мулк эгалиги ёки уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини;

қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Фарзандликка оладиган оиласи тарбиялаш (патронат) учун берилган болаларга қонун ҳужжатларида ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун назарда тутилган барча имтиёзлар татбиқ этилади.

52. Оилага тарбияга берилган болалар ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш хукуқига ҳам эгадирлар.

53. Оилада ўз манфаатига дахлдор ҳар қандай масала ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақлидир.

### **17-боб. Тутинган ота-онанинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

54. Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васий хукуқлари ва мажбуриятларига эгадирлар, яъни ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар. Улар ўз қарамоғидаги шахсларга ўз хукуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек, уларнинг хукуқлари учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиласидилар.

55. Болаларни тарбияга олган шахслар ўз хукуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа ниятларда, тарбиясидаги болаларга заарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек, уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзғатишга ҳақлидир.

56. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар.

Вояга етмаган болаларни фарзандликка  
ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат)  
тўғрисида низомга  
1-илова

**Болаларни тарбиялаш учун оиласа қабул қилиш тўғрисида  
НАМУНАВИЙ БИТИМ**

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) халқ таълими бўлими номидан низом  
(туман (шаҳар) номи)

асосида фаолият юритувчи бўлим мудири \_\_\_\_\_ (бундан  
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

буён матнда Васийлик ва ҳомийлик органи деб юритилади) бир томондан,  
фуқаро(лар) \_\_\_\_\_

(эр-хотин ёки алоҳида фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (яшаш манзили)

\_\_\_\_\_ (паспорт серияси, раками, качон ва ким томонидан берилган)

\_\_\_\_\_ (оилавий шароитининг қискача тавсифи)

(бундан буён матнда Тутинган ота-оналар деб юритилади) иккинчи томондан, биргалиқда  
Томонлар деб юритилади, мазкур Битимни қўйидагилар ҳакида туздилар:

**1-боб. Битим предмети**

1. Васийлик ва ҳомийлик органи ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга  
етмаган 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да туғилган \_\_\_\_\_

(вояга етмаганинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

нинг (бундан буён матнда Тутинган бола деб юритилади) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
таъминлаган ҳолда Тутинган ота-оналарга тарбиялаш учун топшириш мажбуриятини, Тутинган ота-оналар  
эса мазкур Битим шартларига асосан Тутинган боланинг барча ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда тарбиялаш  
учун оиласа қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. Тутинган болани оиласа тарбияга олиш (патронат) амалдаги низом талабларига мувофиқ амалга  
оширилади.
3. Тутинган ота-оналар томонидан Тутинган болани оиласа тарбияга олиш ота-она қарамоғидан  
маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан бири ҳисобланади.

**3-боб. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

4. Васийлик ва ҳомийлик органи қуйидаги ҳуқукларга эга:
  - а) мазкур Битимнинг 16-бандида белгиланган асослар мавжуд бўлганда уни муддатидан олдин  
бекор қилиш;

- б) Тутинган боланинг манфаатлари йўлида исталган вақтда боланинг соглиги, таълим-тарбияси ва турмуш шароитини бориб ўрганиш;
- в) Тутинган ота-оналардан ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ҳамда Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзal бўйича хисоботларни қабул килиш;
- г) Тутинган ота-оналар ўз хукукларидан фаразгўйлик ёки бошқа ниятларда, Тутинган болага зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек уни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўзгатиш;
- д) мазкур Битим бўйича келиб чиқадиган низолар юзасидан судда иштирок этиш.

5. Васийлик ва ҳомийлик органининг мажбуриятлари:

- а) бир йилда камида икки маротаба Тутинган боланинг турмуш шароитларини ва тарбияланишини бориб ўрганиш;
- б) Тутинган ота-оналарни соглиги тўғрисидаги маълумотларни янгилаш лозимлиги ҳакида жорий йил тугашидан бир ой олдин огоҳлантириш;
- в) қонун хужжатларида белгиланган тартибда Тутинган болани ҳар йили бир марта кийим-бош ва пойабзal билан таъминлаш ва Тутинган ота-оналарга ҳар ойда нафака тўлаб бориш чораларини кўриш;
- г) мазкур Битим тузилаётганда Тутинган ота-оналарга оиласа тарбиялаш учун берилган болаларни кийим-бош, пойабзal билан таъминлаш ҳамда уларга белгиланган тартибда ҳар ойлик нафака тўлаш тартибларини тушунтириш.

6. Тутинган ота-оналар қўйидаги хукуқларга эга:

- а) мазкур Битимнинг 15-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда уни муддатидан олдин бекор қилиш юзасидан Васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиш;
- б) Тутинган болага нисбатан васий (ҳомий) хукуқларига эга бўлиш;
- в) Тутинган бола номидан ҳамда унинг манфаатларини кўзлаб қонун хужжатлари талабларига зид бўлмаган барча зарур битимларни тузиш;
- г) Тутинган болага кийим-бош ва пойабзal сотиб олиш учун ажратилган маблағларни нақд пул шаклида ёки банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан олиш;
- д) Тутинган боланинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун базавий хисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида ҳар ойлик нафака олиш.

7. Тутинган ота-оналарнинг мажбуриятлари:

- а) Тутинган болага нисбатан васий (ҳомий) мажбуриятларини бажариш;
- б) қонуний вакил сифатида Тутинган боланинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унга ўз хукукларини амалга оширишда кўмаклашиш ва шарт-шароитлар яратиб бериш;
- в) Тутинган болани кейинги йил учун зарур бўлган кийим-бош ва пойабзal билан таъминлаш максадида жорий йилнинг 15 декабригача Васийлик ва ҳомийлик органига бујортма тақдим этиш;
- г) ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ҳамда Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзal бўйича хисоботларни ҳар йили 10 январгача Васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш;
- д) Тутинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзal бўйича хисобот билан бирга, мазкур маҳсулотларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи хужжатларни (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган хужжат) тақдим этиш;
- е) ўзининг соглиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили 10 январгача Васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш.

8. Томонлар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**4-боб. Тутинган болани таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш**

9. Тутинган болани таъминлаш, тарбиялаш ва унинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш Тутинган ота-оналар томонидан амалга оширилади.

10. Тутинган бола тарбияланаётган оиласаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва Тутинган болалар билан биргаликда, коида тарикасида, 8 нафардан ошмаслиги керак.

11. Оиласа тарбиялаш учун берилган (патронат) болаларга ҳар йили бир марта кийим-бош, пойабзal билан таъминланади. Тутинган ота-оналарга Тутинган боланинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун базавий хисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида ҳар ойлик нафака тўланади.

12. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг таъминоти, унга таълим-тарбия бериш ва унинг соғлигини сақлап бўйича тегишли давлат органлари ва муассасаларидан ҳуқукий, услубий, диагностика ва маслаҳат ёрдами олиши мумкин.

13. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг таълим олишлари учун барча зарур шартшароитларни таъминлайди.

14. Тутинган ота-оналар Тутинган боланинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳакида ғамхўрлик қиласи.

#### **5-боб. Битимни бекор қилиш асослари ва оқибатлари**

15. Битим қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

узрли сабаблар (касаллиги, оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши, Тутинган бола билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқа сабаблар) мавжуд бўлса, Тутинган ота-она ташаббуси билан;

Васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан;

Тутинган бола ота-онасига қайтаришганда;

Тутинган бола фарзандликка олинганда.

16. Мазкур Битим қўйидаги ҳолларда Васийлик ва ҳомийлик органининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин:

Тутинган ота-она бундан кейин Тутинган ота-она вазифасини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар пайдо бўлса;

Тутинган боланинг турмуш шароитларини ва тарбияланишини кузатиб бориш жараёнида Тутинган ота-она мазкур Битим шартларига риоя қилмаётганлиги аниқланса.

17. Мазкур Битимни Тутинган ота-она ташаббуси билан бекор қилиш уларнинг аризаси асосида уч кун ичida Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

18. Мазкур Битимнинг 15-банди учинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда Битимни бекор қилиш Тутинган ота-оналарни камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда Васийлик ва ҳомийлик органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

19. Мазкур Битим бекор қилинган кундан бошлаб Тутинган ота-она Тутинган болага нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини йўқотади, Тутинган ота-она орқали Тутинган болани зарур кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳамда унинг манфаатлари йўлида сарфлаш учун ҳар ойлик нафақа тўлаш тўхтатилади. Бунда Тутинган бола учун кийим-бош ва пойабзал сотиб олишга ажратилган маблағлар хисобидан харид қилинган ашёлар Тутинган боланинг ўзида қолдирилади.

20. Мазкур Битим унинг 15-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилинган ҳолларда Васийлик ва ҳомийлик органи Тутинган боланинг қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда уни жойлантириш чораларини кўради.

#### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш**

21. Тутинган ота-она Васийлик ва ҳомийлик органининг мазкур Битимни тузиш, ижро этиши, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича хатти-харакатлари (қарорлари) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

22. Васийлик ва ҳомийлик органи Тутинган боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш масалалари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

#### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

23. Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Тутинган бола ўн саккиз ёшга тўлгунига кадар амал қиласи.

24. Мазкур Битимга қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши муносабати билан ва/ёки Томонларнинг келишувига мувофиқ ёзма шаклда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Битимнинг қонун ҳужжатлари асосида белгиланган шартлари ўзгартирилиши мумкин эмас.

25. Мазкур Битимда кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

26. Мазкур Битим икки нусхада тузилди, Васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда Тутинган ота-оналарда бир нусхадан сақланади.

**8-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари**

Тутинган ота-оналар

Яшаш манзили: \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Васийлик ва ҳомийлик органи

Юридик манзили: \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_  
СТИР: \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

(раҳбарнинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(имзо)

(имзо, муҳр)

Вояга етмаган болаларни фарзандликка  
ва болаларни оиласа тарбияга олиш  
(патронат) түғрисида низомга  
2-илова

**Оиласа тарбиялаш учун берилган (патронат) болаларни кийим-бош,  
пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган  
ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш  
ТАРТИБИ**

1. Тутинган ота-оналар оиласа тарбияга олинган болани жорий йил  
учун зарур бўлган кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида бола  
оиласа тарбияга олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида, кейинги  
йил учун эса, жорий йилнинг 15 декабригача мазкур Тартибнинг 1-иловасига  
мувофиқ шаклда тузилган буюртмани (бундан буён матнда буюртма деб  
юритилади) тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига беради.  
Буюртмада боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, жинси, мазкур  
Тартибнинг 2-иловасида келтирилган норма ва рўйхатга асосан келгуси  
мавсумларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган барча кийим-бош ва пойабзал  
(уларнинг тури (номи), сони, ўлчами) ва уларнинг бозор конъюнктурасидан  
келиб чиқсан ҳолда ўртacha нархи тўлиқ кўрсатилади.

2. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари жорий йил учун тақдим  
этилган буюртмаларни қабул қилиб олган кундан бошлаб уч кун ичида,  
кейинги йил учун тақдим этилган буюртмаларни эса, жорий йилнинг  
25 декабригача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими  
бошқармаларига (бундан буён матнда халқ таълими бошқармалари деб  
юритилади) топшириши лозим.

3. Кийим-бош ва пойабзал учун қилинадиган харажатлар микдори  
туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тақдим этган буюртмага мувофиқ  
халқ таълими бошқармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси Молия  
вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия  
бошқармалари билан келишилган ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.

4. Болаларга бериладиган кийим-бош ва пойабзал учун зарур маблағ  
боланинг қайси тарбия ёки даволаш муассасалари ёхуд аҳолини ижтимоий  
ҳимоялаш муассасалардан олинишидан қатъий назар, Қорақалпоғистон  
Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ҳокимликларининг тегишли қарорлари асосида Қорақалпоғистон  
Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан ажратилади ва халқ  
таълими бошқармалари орқали берилади.

5. Оиласа тарбияга олинган бола учун кийим-бош ва пойабзал сотиб  
олишга ажратилган маблағлар тутинган ота-оналарга нақд пул шаклида  
ёки уларнинг банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан берилади.

Тарбиялаш учун оилаларга бериладиган етим болаларга кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

7. Тарбияга олинган болага зарур кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлар тутинган ота-оналарга улар томондан тақдим этилган буюртмага асосан бола тарбияга олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида берилади.

8. Тутинган ота-оналар оилага тарбияга олинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисботни мазкур Тартибнинг З-иловасига мувофиқ шаклда тайёрлайди ва уни ҳар йилнинг 10 январигача туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига тақдим этади. Бунда ҳисботга кийим-бош ва пойабзални сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжат) илова қилинади.

Ҳисботлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан тасдиқланиб, тегишли халқ таълими бошқармаларига юборилади.

9. Давлатга қарашли болалар муассасаларида тарбияланаётган бола тарбиялаш (патронат) учун оилага берилганда муассасанинг харажатлар сметаси шу вақтдан бошлаб, ушбу болага сарфланадиган харажатлар миқдорида қисқартирилади.

10. Боланинг қайси тарбия ёки даволаш муассасалари ёхуд аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалардан олинишидан қатъий назар, тутинган ота-оналарга ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади. Мазкур харажатлар учун сарфланиши кўзда тутилган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори асосида халқ таълими бошқармалари орқали берилади.

11. Тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларидан бюджет тизими бюджетлари харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича маблағ билан таъминланади ва бухгалтерия ҳисобида ҳам шу модда бўйича акс эттирилади.

12. Халқ таълими бошқармалари томонидан ҳар ойнинг 10-санасигача тутинган ота-оналарга ойлик нафақалар нақд пул шаклида ёки уларнинг банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан берилади.

13. Бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал харажатлари ҳисботи, шунингдек, тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақалар берилгани ҳақидаги ҳисботлар халқ таълими бошқармалари томонидан қонунчиликда

белгиланган муддатларда маблағларни ажратган тегишли молия органларига топширилади.

14. Кийим-бош ва пойабзал харажатлари ҳамда тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақалар учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича жавобгарлик халқ таълими бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

15. Болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш учун ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда сарфланишини назорат қилиш ушбу харажатларни молиялаштирувчи Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари зиммасига юклатилади.

16. Ушбу Тартибнинг матни белгиланган тартибда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида, шунингдек тарбия ва даволаш муассасалари ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларида барчага кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

Болани оиласа тарбияга олаётган тутинган ота-оналар билан шартнома тузилаётганда уларга мазкур Тартиб талаблари тушунтирилиши шарт.

Оилага тарбиялаш учун берилган (патронат)  
болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш  
ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган  
ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартибга  
1-илова

**Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал олиш учун  
БУЮРТМА**

(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

(боланинг ёши)

(боланинг жинси)

Т/р	Кийим-бош ва пойабзалнинг номи	Сони (дона, жуфт, комплект)	Кийим-бош ва пойабзалнинг ўлчами	Кийим-бош ва пойабзалнинг ўргача нархи
1.				
2.				
3.				

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири

(Ф.И.О.)

(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ »

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ »

Манзил: \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Банк номи: \_\_\_\_\_  
Ҳисоб варак рақами: \_\_\_\_\_

Оилага тарбиялаш учун берилган (патронат) болаларни кийим-бош,  
пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган  
ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартибга  
2-илова

**Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал бериш  
НОРМАСИ ВА РЎЙХАТИ**

Т/р	Кийим-бош ва пойабзалнинг тури (номи)	Ўлчов бирлиги	3 ёшгача бўлган хар бир болага		Мактабгача ёшдаги хар бир болага (3 — 6 (7) ёш)		Мактаб ёшидаги ҳар бир болага (6 (7) — 18 ёш)	
			сони	фойдаланиш муддати (йил)	сони	фойдаланиш муддати (йил)	сони	фойдаланиш муддати (йил)
1	Куртка-комбинезон	Дона	1	2	—	—	—	—
2	Куртка	Дона	—	—	1	2	1	2
3	Пальто	Дона	—	—	—	—	1	2
4	Ўғил болалар костюми	Дона	1	2	1	2	1	2
5	Мактаб формаси (ўғил бола учун қора шим, оқ кўйлак, қиз бола учун кофта ва юбка)	Комплект	—	—	—	—	1	1
6	Ўғил болалар кўйлаги	Дона	2	1	2	1	2	1
7	Қиз болалар кўйлаги (шойи ва ип газлама блузка)	Дона	2	1	2	1	2	1
8	Қиз болалар халати	Дона	—	—	1	1	1	1
9	Свитер (Джемпер)	Дона	—	—	1	2	1	2
10	Ёзги байрам кўйлаги	Дона	—	—	1	1	1	1
11	Қишики бош кийим	Дона	—	1	1	1	1	1
12	Қиз болалар трикоси	Дона	—	—	1	1	1	1
13	Колготка	Дона	2	1	2	1	2	1
14	Ички кийим тўплами ( ўғил ва қиз болалар учун)	Дона	2	1	2	1	2	1
15	Спорт костюми	Комплект	—	—	1	1	1	1
16	Кеда ёки кроссовка	Жуфт	—	—	—	—	1	1
17	Пайпоқ, гольф	Жуфт	—	—	2	1	2	1
18	Туфли, сандалет	Жуфт	—	—	1	1	1	1
19	Тапочка	Жуфт	1	1	1	1	1	1
20	Этик ёки ботинка	Жуфт	1	1	1	1	1	1
21	Қиз болалар учун сийнабанд	Дона	—	—	—	—	1	1

Оилага тарбиялаш учун берилган (патронат) болаларни  
кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани  
ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик  
нафақа тўлаш тартибга  
3-илова

### “ТАСДИКЛАЙМАН”

(туман (шахар) халқ таълими бўлими мудирининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**Оилага тарбияга олинган бола учун 20\_\_\_\_ йилда сотиб олинган  
кийим-бош ва пойабзал бўйича  
ҲИСОБОТ**

Мен, \_\_\_\_\_, 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да  
(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ билан тузилган

(vasiylik va xomiylik organinining nomi)

\_\_\_\_-сонли шартномага асосан вояга етмаган \_\_\_\_\_ ни  
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

оилага тарбияга олганман.

Ҳисобот даврида тарбиямда бўлган \_\_\_\_\_ учун  
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

куйидаги кийим-бош ва пойабзалларни сотиб олдим.

T/p	Кийим-бош ва пойабзалининг тури (номи)	Сони (дона, жуфт, комплект)	Олинган кийим-бош ва пойабзалининг нархи (сўм)
1			
2			
3			

Кийим-бош ва пойабзал сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳак тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжатлар)ни илова қилинмоқда.

\_\_\_\_\_ (тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (санаси)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “21” ноябрдаги 739сон қарорига  
5-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 йил, 31-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни туар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 16-банддаги “аниқлаш ва дастлабки жойлаштириш” сўzlари “туман (шаҳар) ҳокимлигига (агар боланинг яшаш (доимий прописка қилинган) жойи ўзгарган бўлса ўша” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 34-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган ордерга асосан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туар жой жойлашган манзилга, ижара шартномасида белгиланган муддатга туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан прописка қилинадилар”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 йил, 39-сон, 490-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомда:

а) 23-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“болани фарзандликка ва оиласа тарбияга олиш (патронат) истагини билдирган шахсларни ҳар томонлама ўрганади ва ўрганиш натижасида потенциал ота-оналарни аниқлайди”;

б) 53-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидан “васийлигида ёки ҳомийлигида ва” сўzlари чиқариб ташлансин;

в) 56-банднинг олтинчи хатбошисидан “васийлигида ёки ҳомийлигида ва” сўzlари чиқариб ташлансин;

г) 70-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларига, ушбу муассасаларни тамомлаб академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга таълим-тарбияга берилган кундан эътиборан тўлиқ давлат таъминотида бўлади ҳамда уларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бажариш ушбу муассасалар томонидан амалга оширилади.

Академик лицей ва касб-хунар мактаблари, колледжлар ва техникумларда таълим олаётган вақтда етим бўлиб қолган, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомий тайинланади. Ҳомий тайинлашнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, муассаса жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан ушбу болаларга нисбатан улар таълим олаётган муассаса бола муассасани тамомлагунга қадар ҳомий этиб тайинланади”;

д) 71-бандга қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

“васий ёки ҳомий этиб тайинланишига тўсқинлик қиласиган касалликларга чалинган шахслар”;

е) олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) Қўйидаги мазмундаги 71<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“71<sup>1</sup>. Қўйидагилар шахснинг васий ёки ҳомий этиб белгиланишига тўсқинлик қиласиган касалликлар ҳисобланади:

I, II, V гуруҳ диспансер ҳисобидаги барча жойлашинув шаклидаги сил касалликлари (фаол ва сурункали);

барча жойлашинувли ёмон сифатли онкологик касалликлар;

наркологик касалликлар (алкоголизм, наркомания, токсикомания);

ақли заифликнинг барча турлари;

таносил касалликларининг майший йўл билан юкувчи турлари (захм, сўзак);

мехнатга яроқлиликни инкор этувчи I ва II гуруҳ ногиронлигига олиб келувчи барча касалликлар ва жароҳатлар”;

з) 73-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“73. Ота-она яаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг назоратида қолдирилган бўлса, болага нисбатан васий ёки ҳомий белгиланади.

Ота-она яаш жойида олти ойдан кам муддатда вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг назоратида қолдирилган бўлса, васийлик ёки ҳомийлик, агар бу боланинг манфаатлари учун зарур бўлса белгиланади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам боланинг ота-онасидан розилик аризаси талаб этилмайди”.

**3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 йиль, 50-сон, 566-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 204-банди иккинчи хатбошишига “шунингдек ФХДЁ органлари” сўzlаридан кейин “васийлик ва ҳомийлик органлари” сўzlари қўшилсин.**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “21” ноябрдаги 739-сон қарорига  
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб хисобланётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда).

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 48-49-сон, 485-модда).

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2008 йил 22 майдаги 104-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 22-23-сон, 199-модда).

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Мехрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 йил, 43-сон, 435-модда).

